БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 74 (1078)
11 АПРЕЛЬ
ЖУМА
1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## Бинокорлик бўйича Бутуниттифоқ кенгаши

10 апрелда Москвада, Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан чақирилган Бутуниттифоқ бинокорлик кенгаши очилди. Кенгашда қурилиш ташкилотлари, бошқармалари ва қурилишларнинг раҳбарлари, ишчилар, архитекторлар, илмий-текшириш ва проект ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати, халқ хўжалиги кенгашларининг ходимлари, партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдадар.

Кенгаш қатнашчилари А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева, А. Н. Косигин ўртоқлар президиумда пайдо бўганларида, уларни самимий кутиб олдилар.

Мажлисни ўртоқ А. И. Кириченко очди. У СССР Министрлар Совети қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси ўртоқ В. А. Кучеренкога «СССРда қурилишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш вазифалари» тўғрисида доклад қилиш учун сўз берди.

Докладчи қурилишнинг техника ва ташкилий даражасини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Сўнгра «Қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш тўғрисида» СССР Министрлар Совети қурилиш ишлари давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. З. Гинзбург доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари бир қанча масалаларни секцияларда муҳокама қиладилар. (ТАСС).

# Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида

# ҚЎШМА БАЁНОТ

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бошчилигида Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия Халқ Республикасига жавоб визити билан бориб, 2—10 апрелдаги 10 апрелга қадар меҳмон бўлиб турди.

Визит вақтида Совет Иттифоқининг КПСС Марказий Комитети Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи Ишлар Министри А. А. Громико, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, Украина Коммунистик партияси Киев область комитетининг Биринчи Секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг Иккинчи Секретари А. П. Бойкова ва СССР нинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громовлардан иборат Партия-Ҳукумат делегацияси билан Венгрия Халқ Республикасининг Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Биринчи Секретари Янош Кадар (делегация бошлиғи), Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати Раиси доктор Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Секретари Дьерль Марошан, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Секретари Дьюла Каллаи, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Секретари Карой Кишш, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Бутунвенгрия касаба союзлари кенгашининг Раиси Миклош Шамоди, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Секретари Йене Фок ва Венгрия Халқ Республикаси Ташқи Ишлар Министри доктор Эндре Шиклардан иборат Партия-Ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар олиб борилди.

Музокаралар дўстона ва самимий вазиятда, тамомила ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия миллий байрами—Венгрия фашистлар асоратидан озод қилинганлиги 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган умумхалқ тантаналарида қатнашди, шунингдек саноат корхоналарини, илмий муассасаларни ва кооператив хўжаликларини бориб кўрди, мамлакатнинг турли шаҳарларига ва қишлоқларига борди.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия Халқ Республикасида бўлган вақтида партия, давлат ва жамоат арбоблари билан, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг намояндалари билан жуда кўп дўстона учрашувларда бўлди ва улар билан суҳбатлашди. Шу учрашувлар ва суҳбатлар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона, қардошлик муносабатларини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлашга таллуқли жуда кўп масалалар устида ошкора фикр олишилди.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий ғайрати гоят юксалиб бораётганлигига қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга бўлди, улар социализм улуғ идеяларига ўзларининг астойдил ишонганликларини ва ўз ватанининг бахти келажагини социалистик лагернинг бошқа мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда қуришга қаттиқ бел боғлаганликларини намойиш қилиб кўрсатдилар. Венгер меҳнаткашларининг совет халқига нисбатан дўстлик хислари нақадар чуқур эканлигига, улар қардошларча ўзаро ёрдамлашиш ва пролетар интернационализмининг улуғ принциплари асосига қурилаётган венгер-совет муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга нақадар зўр куч билан интилаётганликларига делегация қаноат ҳосил қилди.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия Халқ Республикасида бўлган вақтида венгер халкининг урушдан кейинги даврда эришган катта муваффақиятлари билан, мамлакатдаги контрреволюцион исён оқибатларини тугатиш ва халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш соҳасида эришган ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Венгрия Халқ Республикасининг Партия-Ҳукумат делегацияси ҳам шу нарсани уқтириб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, Совет Иттифоқининг сиёсий ва маънавий кўмаги контрреволюцион исён оқибатларини тезроқ тугатишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, унинг иқтисодий ёрдами эса Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматига хўжаликдаги қийинчиликларни қисқа муддат ичида бартараф қилиш, ишсизлик хавфини йўқотиш ва мамлакатда инфляцияга йўл қўймаслик имконини берди.

* * *

Музокаралар вақтида ҳар иккала Делегация ўз партиялари ва мамлакатларининг ички проблемалари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида, шунингдек халқаро аҳвол тўғрисида ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашнинг актуал проблемалари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Фикр олишишлар натижасида Делегациялар муҳокама этилган ҳамма масалаларга доир ўзларининг қарашларида тўла бирлик мавжудлигини қайд қилдилар.

Ҳар иккала томон шу нарсани мамнуният билан қайд қилдики, Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматларининг 1957 йил 28 мартдаги Қўшма Декларациясини амалга ошириш ҳар иккала мамлакат ўртасида қардошлик алоқаларини янада кучайтиришга ҳамда совет ва венгер халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида бир қанча муҳим битимлар: Венгрия территориясида вақтинча турган совет қўшинларининг ҳуқуқ статуси тўғрисида Битим, ҳар иккала мамлакат граждани бўлиб келаётган шахсларнинг гражданлигига оид масалани ҳал этиш тўғрисида Конвенция, Консуллик конвенцияси имзоланди. Ҳар иккала мамлакатнинг муносабатларига таллуқли бошқа битимлар ҳам имзолаш учун тайёрланмоқда.

Томонлар шу нарсани зўр мамнуният билан қайд қиладиларки, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик 1957 йил 28 мартдаги Қўшма Декларацияда баён қилинган принциплар асосида муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Шу Декларацияга мувофиқ, 1958-1960 йилларда товарлар етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли Битим имзоланди, бу Битим Венгриянинг саноат корхоналарини иш билан таъминлайди ва саноат ишлаб чиқараётган тегишли товарларни Венгриядан Совет Иттифоқига етказиб бериб туришни таъминлайди.

Узоқ муддатли савдо Битими ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига товарлар етказиб беришини янада кўпайтиришни кўзда тутади. Совет Ҳукумати Венгрия Ҳукуматининг илтимосини эътиборга олиб, шунингдек Венгрия экономикасини янада юксалтиришга кўмаклашишга интилиб, Венгрияга металлургия, машинасозлик, электротехника, химия, нефть, енгил саноат корхоналарини ҳамда саноат ва транспортнинг бошқа тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишда қўшимча иқтисодий ёрдам берди.

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида узоқ даврга мўлжалланган илмий техника ҳамкорлигини, шу жумладан кучли ток ва кучсиз ток ускуналар, асбоблар, дизельмоторлар ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисида битимга келинди.

Ҳар иккала Делегация ўз мамлакатлари халқларининг экономикасини ва турмуш даражасини янада юксалтириш манфаатларини кўзлаб, ҳар қайси мамлакат экономикасини ривожлантириш имкониятларини ва истиқболларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалигини ривожлантириш планларини кўпроқ даражада келишиб олиш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Ҳар иккала Делегация чуқур мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, ҳар икки мамлакат ўртасидаги илмий ва маданий алоқалар муваффақиятли ва самарали равишда ривожланиб бормоқда. Илмий ва маданий алоқалар соҳасида эришилган муваффақиятлар совет-венгер дўстлигини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан ёрдам берди ва ҳар иккала халқнинг маданиятини ўзаро бойитишни таъминлади. 1957 йилда Венгрия илмий ва маданий ҳаётининг кўпгина намояндалари Совет Иттифоқига келиб кетдилар. Айни вақтда совет фани ва маданиятининг кўпгина таниқли арбоблари Венгрияга бориб келдилар. Ана шу сафарлар ҳар иккала мамлакат фани ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги бой мерос билан ўзаро танишмоқ учун имконият беради, бунинг учун социализм шароитида чексиз имкониятлар очилмоқда. Маданий ва илмий алоқаларни янада ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, 1958 йил учун маданий ҳамкорлик плани ҳамда ҳар иккала мамлакат фанлар академиялари ўртасида битим имзоланди.

Томонлар ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтириш ишида Совет Иттифоқидаги ва Венгрия Халқ Республикасидаги дўстлик Жамиятларининг ишига юксак баҳо берадилар ва шу ташкилотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

* * *

Музокаралар вақтида Варшава мудофаа шартномасининг роли ва аҳамиятига нисбатан қарашларда тўла бирлик мавжудлиги аниқландики, Варшава шартномаси агрессив Шимолий Атлантик блокининг ҳарбий тайёргарликлари тобора кучайиб бораётган шароитда Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим факторидир.

Шу нарса якдиллик билан қайд қилиндики, қардошларча ўзаро ёрдамлашиш, тўла тенгҳуқуқлилик, территориал бутунликни, давлат мустақиллигини ва суверенитетини ҳурматлаш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида социалистик давлатларнинг битта лагерда мустаҳкам бўлиб жипслашганлиги ҳар қайси социалистик мамлакатнинг миллий мустақиллигини ва суверенитетини таъминлайдиган мустаҳкам гарантиядир. Социалистик давлатларнинг бирдамлиги бошқа бирор мамлакатга қарши қаратилган эмас, балки империалистик доираларнинг агрессив интилишларига гов бўлиб ҳамда тинчлик ва тараққиётнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган кучларини қўллаб-қувватлаб, барча халқларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси ташқи сиёсат соҳасида бундан буён ҳам умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, қудратли социалистик лагерни янада мустаҳкамлаш ва жипслаштириш вазифаларига асосланиб иш олиб борадилар. Марксизм-ленинизм улуғ идеяларининг умумийлигига, коммунистик жамият қуриш мақсадларининг бирлигига ва социалистик давлатлар халқларининг тинч ижодий меҳнатини бузишга қаратилган ҳар қандай уринишларга социалистик давлатларнинг зарба беришга қаттиқ бел боғлаганликларига асосланган бу бирликни ҳеч қандай куч буза олмайди.

Музокаралар вақтида ҳар иккала томоннинг ҳозирги халқаро аҳволга доир ҳамма масалаларга қарашлари бир-бирига мос бўлиб тушганлиги аниқланди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1957 йил ноябрь ойида Москвада имзоланган Декларацияси ва Тинчлик манифести принципларига ҳамда идеяларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси халқларнинг чинакам хавфсизлиги учун, янги уруш хавфини йўқотиш учун курашда барча тинчлик кучларини уюштиришга бутун чоралар билан ёрдам беришни ўзлари учун энг муҳим вазифа деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси шуни қайд қиладиларки, халқаро кескинликни юмшатиш, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва бизнинг асримизда инсоният учун оғир оқибатлар туғдирадиган уруш бошланиб кетиш хавфини тугатиш соҳасида конкрет ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш тўғрисида битимга келиш ҳозирги халқаро аҳволнинг ҳали ҳам асосий проблемаси бўлиб қолаётир. Ҳар иккала Делегация шу нарсага ўзларининг гоят амин бўлганликларини изҳор қилдиларки, ҳукуматлар Бошлиқларининг иштироки билан раҳбар давлат арбобларининг кенгашини якин фурсатда чақириш бу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлур эди.

Юксак доирадаги кенгашда муҳокама қилмоқ учун Совет Ҳукумати томонидан таклиф этилган масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши Европада коллектив хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтирмоқ учун яхши негиз бўлур эдики, тинчликни сақламоқ учун бунинг алоҳида аҳамияти бор, чунки Европа халқларига беҳисоб офатлар келтирган қонли урушларнинг бошланиб кетиши учун Европанинг худди ўзи ярим аср давомида икки марта ўчоқ бўлган эди.

Шимолий Атлантик блокига аъзо бўлган давлатлар билан Варшава шартномаси Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ўртасида бир-бирларига ҳужум қилмаслик тўғрисида битим тузилиши бу соҳада катта аҳамиятга эга бўлур эди. Халқлар энг муҳим халқаро проблемаларни бартараф қилмоқ учун чоралар кўришни зўр бериб талаб қилаётган ҳозирги шароитда бундай битим давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни юмшатишга негиз солишга ҳамда умуман халқаро муносабатларнинг ривожланишида зарур бурилиш вужудга келтиришга имкон берган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси ошиғич халқаро проблемалар жумласидан атом ва водород қуроли синовларини дарҳол ва ҳамма жойда тўхтатиш, Германияда ҳамда НАТО ва Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган бошқа давлатларнинг территорияларида турган чет эл қўшинларининг сонини камайтириш, Марказий Европада ядро ва ракета қуролидан холи бўлган зона вужудга келтириш сингари етилган масалаларни ҳал этишга ёрдам беришга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини билдирадилар.

Венгрия Халқ Республикаси Делегацияси атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатганлиги тўғрисида СССР Олий Советининг қарори тарихий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилади. Халқлар ўртасида тинчлик бўлиши тўғрисида, атом ва водород қуроли синовлари сабабли одамларнинг соғлиғи учун туғилаётган хатарларни йўқотиш тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик сабабли юксак даражадаги инсонпарварлик билан кўрилган бу тадбир барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушди ва зарур халқаро ишонч ўрнатиш ишига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Бу қарор атом ва водород қуроли синовларини ҳамма мамлакатларнинг ҳамма жойда ва абадий тўхтатишлари учун имконият очиб беради.

Ҳар иккала томон ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам атом ва водород қуролини портлатиб синашларни дарҳол тўхтатурлар ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдан иборат улуғ ишга ўз ҳиссаларини қўшурлар, деб умид билдирадилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси қуролсизланиш соҳасида конкрет тадбирларни амалга оширишни талаб қиладилар ҳамда НАТО қатнашчилари бўлган давлатлар томонидан ўтказилиб келаётган зўр бериб қуролланишни ва ҳарбий тайёргарликларни қатъиян қоралайдилар. Улар НАТО қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилишда Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларига зарар етказадиган ва айни вақтда Шимолий Атлантик блоки қатнашчиларига ўзларининг ҳарбий тайёргарликларини кучайтиришга қаратилган агрессив сиёсатларини ўтказишларига тагин ҳам кенг йўл очиб берадиган шартларни қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай уринишларини қоралайдилар. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси «совуқ уруш»нинг ҳамма хилларини тўхтатишни, баъзи мамлакатларда ўтказилиб келаётган уруш пропагандасини тўхтатишни, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашнинг энг маҳкам негизи бўлган халқаро иқтисодий алоқаларни ва халқаро савдони бемалол ривожлантиришни ҳали ҳам аввалгидек қатъий талаб қиладилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси ўзгалар территориясидаги ҳарбий базаларни тугатишга қатъий тарафдордирлар, чунки бундай базаларнинг мавжудлиги халқаро муносабатларни заҳарлантирувчи гумонсираш ва ишончсизликнинг бош сабабларидан биридир.

Германия Федератив Республикаси бундестаги Ғарбий Германия армиясини атом ва водород қуроли билан қуроллантирмоқ учун Федерал ҳукуматга ваколатлар берувчи қарор қабул қилганлиги муносабати билан ҳар иккала томон ўзларининг жиддий ташвишланаётганликларини изҳор қилмаслан ўтолмайдилар. Ҳар иккала томон Ғарбий Германия территориясида чет эл атом ва ракета базаларини жойлаштириш тайёргарлиги кўрилаётганлиги муносабати билан ҳам ўзларининг ташвишланаётганликларини изҳор қиладилар, чунки Ғарбий Германиянинг бундай сиёсати натижасида Европада шундай вазият рўй бера бошладики, бу вазият гитлерчилар Германияси иккинчи жаҳон урушини бошлашга тайёргарлик кўришга киришган вақтдаги вазиятга кўп жиҳатдан ўхшайди. Томонлар, Ғарбий Германияда уни атом урушига тайёргарлик кўришдан иборат хатарли ва ҳалокатли йўлга солиб юборишга йўл қўймайдиган кучлар топилиб қолади деб умид билдирадилар, чунки бундай урушнинг ҳамма нарсани йўқ қилувчи алангали ўти аввало Ғарбий Германия территорияси орқали ўтган бўлур эди.

Ҳар иккала Делегация шуни қайд қиладиларки, Германияни бирлаштириш масаласи ҳар иккала суверен герман давлатининг —Германия Демократик Республикасининг ва Германия Федератив Республикасининг компетенциясига батамом тааллуқли масаладир ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумати таклиф қилаётганидек, Германия конфедерацияси тузиш Германиянинг бирлигини тинч-тиклаш йўлида қўйилган биринчи қадам бўлур эди. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Германия Демократик Республикасининг бу таклифини тўла равишда қўллаб-қувватлайдилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси фан ва техника соҳасида жуда катта муваффақиятлар — Совет Иттифоқининг Ернинг биринчи сунъий йўлдошларини учиришда ўз ифодасини топган бу катта муваффақиятлар бутун инсоният бахт-саодатини кўзлаб, табиат қонунларини билиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилмоқ учун илгари мавжуд бўлмаган янги имкониятлар очиб беради, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи таклиф қилаётганидек, космос фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаб қўйиш тўғрисида ва ўзга мамлакатлар территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисида битимга келиш космос фазони ўрганиш соҳасида кенг равишда халқаро ҳамкорлик қилмоқ учун йўл очиб бериш билан бирга, айни бир вақтда қуролсизланиш проблемасини умуман ҳал этишни таъминлайдиган катта қадам ҳам бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси давлатлар ўртасида душманликни авж олдиришдан, Шарқий Европа мамлакатларидаги аҳвол масаласи сингари нуқул игводан иборат бўлган масалаларни кўтариб чиқиш йўли билан халқаро сиёсий вазиятни заҳарлашдан манфаатдор бўлган доираларнинг ҳар қандай уринишларига қарши кескин кураш олиб боришни қатъий ният қилиб қўйганликларини ҳар иккала Делегация яна бир марта маълум қиладилар. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси шу нарсани қатъий қилиб айтадиларки, бошқа ҳар қандай суверен давлатлар сингари халқ-демократик мамлакатларнинг ҳам давлат тузуми масаласи халқаро кенгашларда муҳокама қилинадиган масала бўлиши мумкин эмас, чунки бу масалани социализм қуриш йўлига қатъий равишда ва узил-кесил ўтиб олган шу мамлакатларнинг халқлари аллақачон ҳал қилиб қўйганлар. Ҳар иккала томон халқ демократияси мамлакатларидаги аҳвол масаласини муҳокама қилдириш йўлидаги уринишларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига тўғри келмайдиган ва суверен давлатларнинг ички ишларига йўл қўйиб бўлмаслик даражада аралашишдан иборат бўлган уриниш деб ҳисоблайдилар. Улар бундай уринишларни тинчлик ишига душманлик билан қилинаётган уринишлар деб қатъиян рад қиладилар.

Шарқий Европадаги халқ-демократик мамлакатлардаги аҳвол масаласини қўйиш, шунингдек Германияни бирлаштириш масаласини, яъни иккита суверен герман давлати компетенциясига дахилдор бўлган масалани халқаро кенгашда кўриб чиқишни талаб қилиш «совуқ уруш»ни тугатиш тўғрисида ва зўр бериб қуролланишни тўхтатиш тўғрисида битимга келишни бузиш йўлидаги уринишдан бошқа нарса эмас. Бундай масалани қўйишга ҳаддан ошиб зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, уруш хавфини йўқотиш тўғрисидаги зарур масалаларни кўриб чиқмоқ учун энг юксак доирада чақириладиган кенгашни бузиш йўлидаги уриниш деб ва халқларни ўзларининг эртаги кунлари учун ҳамиша ваҳимага солиб туриш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда душманликни ва гумонсирашни кучайтириш, ҳарбий васвасани авж олдириш, шу тариқа ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан тобора кўпайиб бораётган жуда катта фойдалар олиш учун қилинаётган интилиш деб баҳо бермаслик ҳам мумкин эмас.

Ҳар иккала Делегация шуни айтдиларки, Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси бир мамлакатларнинг иккинчи мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилишидан иборат мустамлакачилик системасининг ҳалок бўлиши муқаррар тарихий жараён эканлигига амин бўлганлари ҳолда, ўз миллий озодлиги учун кураш олиб бораётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари билан ўзларининг тўла равишда бирдам эканликларини билдирдилар.

Венгрия Халқ Республикасининг Партия-Ҳукумат Делегацияси Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати нормал муносабатларни яна бошлаб юборишни ёки ўрнатишни истаган давлатлар билан нормал муносабатларни яна бошлаб юборишга ёки ўрнатишга интилаётганлигини айтди. У, Венгрия Халқ Республикасининг қўшни Австрия билан алоқаларни яхшиламоқ учун кўраётган чора-тадбирларига катта аҳамият бераётир, чунки Венгрия билан Австрия ўртасида бир-бирларининг суверенитетларини ўзаро эътироф қилишга ҳамда ички ишларга аралашмаслик принципига изчиллик билан риоя қилишга асосланадиган ҳамкорлик Европада тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш ишига қўшилган ҳисса бўлур эди. Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат Делегацияси Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматининг бу позициясини тўла равишда мақбул деб топди.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат Делегациялари шу нарсага ўзларининг қатъий равишда амин эканликларини билдирадиларки, халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан, «совуқ урушни» тўхтатиш, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ҳамда катта ва кичик ҳамма давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат олижаноб мақсадларга давлатларнинг ижтимоий системаларидан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув яшашлари принципларига, яъни халқаро миқёсда кенг равишда эътироф қилинган принципларга риоя қилиш йўли билан эришиш мумкин.

* * *

Совет Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия Халқ Республикасида бўлган вақтида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг вакиллари билан Венгрия Социалистик ишчи партиясининг вакиллари партия ўзаро муносабатларига доир масалалар устида кенг равишда фикрлашиб олдилар. Дўстлик ва самимият вазиятида ўтган суҳбатлар ҳар иккала партия ўртасида муҳокама қилинган ҳамма масалаларга нисбатан қарашларда тўла бирлик борлигини кўрсатди.

Ҳар иккала партия вакиллари шуни қайд қилдиларки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Венгрия Социалистик ишчи партияси ўртасидаги ҳамкорлик Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси билан Венгрия Социалистик ишчи партияси делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида 1957 йил 28 марта Москвада имзоланган Баёнотга тўла мувофиқ равишда ривожланиб бормоқда. Шу ўтган даврда ҳар иккала партия ўртасидаги муносабатлар тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди ва ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси бир-бирларини қизиқтираётган барча муҳим масалалар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиб туриш мақсадида ўзаро доимий алоқада бўлиб турибдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси вакиллари якдиллик билан шуни қайд қилдиларки, Венгрия Халқ Республикасининг иқтисодий ва ички сиёсий аҳволи Венгрия Социалистик ишчи партияси марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам принципларига асосланган тўғри сиёсат ўтказиб келаётганлиги туфайли тез фурсатда нормаллашди. Венгер меҳнаткаш халқининг туб манфаатларига ва истак-орзуларига тўла равишда мос бўлиб тушаётган шу сиёсатда социалистик революциянинг ва социалистик қурилишнинг умумий қонуниятлари Венгрия Халқ Республикаси тараққиётининг конкрет тарихий шароити билан ижодий равишда бир-бирига қўшилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси вакиллари ўртасидаги самарали фикр олишувлар қардош коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг бир-бирлари билан учрашиб туришлари, ҳеч шубҳасиз, фойдали эканлигини кўрсатади. Ҳар иккала томон ҳар иккала партияни қизиқтирувчи масалаларни биргаликда муҳокама қилмоқ учун бундан буён ҳам учрашиб туришни истаганликларини таъкидлайдилар. Шу билан бирликда, ҳар иккала партия вакиллари шундай фикрдадирларки, қардош коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг кўп томонлама учрашишларини вақти-вақти билан ташкил қилиб туриш ҳам халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракат манфаатлари учун фойдалидир. Ҳар иккала делегация, қардош партиялар вакилларининг 1957 йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган кенгашлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш ишига, халқлар ўртасида тинчликни ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала партия вакиллари ишчи ва коммунистик ҳаракатдаги оппортунистик оқимларга қарши курашнинг, марксизм-ленинизм таълимотининг ғоявий софлиги учун курашнинг катта аҳамияти борлигини қайд қиладилар.

Империалистик реакция коммунистик ва ишчи партияларни заифлаштириш, уларнинг бирлигини бузиш, уларнинг жипслигини ва саботлигини заифлаштириш мақсадида алоҳида куч ва ғайрат сарфлаётган ҳозирги шароитда коммунистик ва ишчи партияларнинг сафларидаги ҳар хил ревизионизм оқимларини қўллаб-қувватлаш империалистик реакциянинг жаҳон халқлари орасида коммунизм идеяларининг ўсиб бораётган таъсирига тўсқинлик қилиш йўлидаги уринишлари учун асосий қуролларнинг биридир. Шу сабабли, ҳар иккала партия партиялар бирлигига таҳдид солувчи асосий хавф бўлган ревизионизмга қарши кескин курашни давом эттиришни ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси вакиллари марксизм-ленинизм назариясини ривожлантиришни ва уни конкрет шароитда ижодий татбиқ қилишни қийинлаштирувчи, у ёки бу мамлакатдаги мавжуд конкрет вазиятни ўрганишни қироатхонлик билан алмаштирувчи догматизм ва сектантчилик ишчи ва коммунистик ҳаракат учун хавфли эканлигини ҳам қайд қиладилар. Догматизм ва сектантчилик партияни оммадан ажратиб қўйишга олиб келади, бу эса ишчилар синфининг ишини, социализм ишини асло ғалабага олиб келолмайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси ўзларининг пролетар интернационализми ленинча принципларига ҳамиша содиқликларини таъкидлайдилар ва ҳар иккала партия душманнинг халқлар ўртасида душманлик ва адоват туғдириш мақсадида миллатчиликдан фойдаланиш йўлидаги уринишларига қарши бундан буён ҳам кескин равишда кураш олиб боражакларини айтадилар.

Музокаралар вақтида ҳар иккала партия вакиллари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Венгрия Социалистик ишчи партияси ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада кенгайтириш манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган конкрет тадбирларни ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

Совет Иттифоқининг ва Венгрия Халқ Республикасининг Партия-Ҳукумат делегациялари бўлиб ўтган музокараларнинг якунларидан гоят мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар ва сиёсат, экономика ҳамда маданиятнинг ҳамма соҳаларида иккала мамлакатнинг дўстона ҳамкорлигини янада ривожлантирмоқ учун барча имкониятлар борлигини қайд қилдилар. Улар вужудга келган муносабатларни ўз халқларининг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожлантириб боришга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини айтдилар, бу эса социалистик лагерь мамлакатларининг янада қардошларча жипслашувига ва бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси**
**Н. ХРУШЧЕВ**

**Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Давлат Министри**
**Я. КАДАР**

Будапешт, 1958 йил 9 апрель.

(ТАСС).

## Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат Делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида қўшма баёнот имзоланди

БУДАПЕШТ, 9 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат Делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида қўшма баёнотни бугун Венгрия парламенти биносида имзолаш маросими бўлди.

Қўшма баёнотни совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, Венгрия томонидан-Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг Давлат Министри Янош Кадар имзоладилар.

Имзолаш маросимида Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат Делегациясининг аъзолари—КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, Украина Коммунистик партияси Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громов, шунингдек совет Партия-Ҳукумат делегациясига ҳамроҳ бўлиб келган СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, 5-Европа бўлими мудири вазифасини бажарувчи П. С. Делушкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Венгриядаги СССР элчихонасининг кенгашчилари В. С. Бойков ва Ю. Н. Черняков ҳозир бўлдилар.

Венгрия томонидан — Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Бела Биску, Йене Фок, Льюла Каллаи, Карой Кишш, Дьерль Марошан, Шандор Ронаи, Миклош Шомоди, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар Деже Немеш, Золтан Комочин, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг аъзолари, Ташқи ишлар министри Эндрэ Шик ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси Иштван Сирмаи, Марказий Комитетнинг бўлим мудири Деже Силади, Министрлар Совети Информация бошқармасининг бошлиғи Ласло Дьярош, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Иштван Шебеш ҳозир бўлдилар.

Қўшма баёнот имзоланиб бўлганидан кейин, Венгрия Халқ Республикасининг Президиуми, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат Делегацияси шарафига зиёфат бердилар.

## Венгер-совет бузилмас дўстлигининг унутилмас намойиши

БУДАПЕШТ, 9 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳамда делегация аъзолари — СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва СССРнинг Венгриядаги элчиси Е. И. Громов бугун Венгрия Фанлар академиясида ва Чепель металлургия комбинатида бўлдилар. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг Давлат Министри Янош Кадар ҳамроҳлигида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзолари Бела Биску, Йене Фок, Льюла Каллаи, Карой Кишш, Дьерль Марошан, Шандор Ронаи, Миклош Шомоди, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар Деже Немеш, Золтан Комочин, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг аъзолари—КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, Украина Коммунистик партияси Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громов, шунингдек совет Партия-Ҳукумат делегациясига ҳамроҳ бўлиб келган СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, 5-Европа бўлими мудири вазифасини бажарувчи П. С. Делушкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Венгриядаги СССР элчихонасининг кенгашчилари В. С. Бойков ва Ю. Н. Черняков ҳозир бўлдилар.

Венгрия томонидан — Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Бела Биску, Йене Фок, Льюла Каллаи, Карой Кишш, Дьерль Марошан, Шандор Ронаи, Миклош Шомоди, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар Деже Немеш, Золтан Комочин, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг аъзолари, Венгриянинг министрлари, кўзга кўринган жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари, Венгрия халқ армияси вакиллари, бир қанча мамлакатларнинг Будапештдаги элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари, Венгрия ва чет эл журналистлари бор эди.

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних қабул маросимида нутқ сўзлаб, совет меҳмонларига Венгрия озод қилинган кунининг 13 йиллигига бағишланган байрамда айтилган яхши тилаклари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Ўртоқ Мюнних ишонтириб айтдики, Совет Иттифоқи халқининг бу тилакларини Венгрия меҳнаткашлари астойдил, қизғин маъқуллайдилар. Венгрия халқи Совет Иттифоқига чин дўстлик туйғусини изҳор қилмоқда ва бу дўстлик ҳамиша мустаҳкамланиб бормоқда.

Совет делегациясининг визити, деди Ўртоқ Мюнних, Венгрия ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлида халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим бир босқичдир.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Совет делегациясининг Венгрияда бўлиши тўғрисида гапириб Ўртоқ Хрушчев совет халқи вакиллари ҳамма жойда хурсандчилик билан самимий қабул қилинганлигини айтди.

— Бу ҳаяжонлантирувчи самимий учрашувлар, — деди у, — венгер халқининг совет халқига изҳор қилган самимий дўстона туйғуларининг ифодаси бўлди.

— Биз қилган сафаримиз натижаларидан жуда мамнунмиз, — деди яна Ўртоқ Хрушчев, — ва бу сафаримиз совет-венгер дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳамда мамлакатларимиз ва бутун социализм лагеридаги мамлакатлар халқлари ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун катта фойда келтиришига ишонамиз. Шунингдек, бу сафаримиз бутун жаҳонда тинчлик иши манфаатларига хизмат қилажагига ишонамиз.

Қабул маросими гоят дўстона, самимий вазиятда ўтди.

## БУДАПЕШТДАГИ СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БУДАПЕШТ, 9 апрель. (ТАСС). Кеча СССРнинг Венгриядаги элчихонасида Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС раиси В. В. Гришин, Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест ва КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойковалардан иборат составдаги Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси бугун Будапештдан ўз ватанига жўнаб кетди.

Венгер ва совет байроқлари билан безатилган Ферихель аэродромида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг аъзолари, Венгриянинг министрлари, кўзга кўринган жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари, Венгрия халқ армияси вакиллари, бир қанча мамлакатларнинг Будапештдаги элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари, Венгрия ва чет эл журналистлари бор эди.

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних қабул маросимида нутқ сўзлаб, совет меҳмонларига Венгрия озод қилинган кунининг 13 йиллигига бағишланган байрамда айтилган яхши тилаклари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Ўртоқ Мюнних ишонтириб айтдики, Совет Иттифоқи халқининг бу тилакларини Венгрия меҳнаткашлари астойдил, қизғин маъқуллайдилар. Венгрия халқи Совет Иттифоқига чин дўстлик туйғусини изҳор қилмоқда ва бу дўстлик ҳамиша мустаҳкамланиб бормоқда.

Совет делегациясининг визити, деди Ўртоқ Мюнних, Венгрия ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлида халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим бир босқичдир.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Совет делегациясининг Венгрияда бўлиши тўғрисида гапириб Ўртоқ Хрушчев совет халқи вакиллари ҳамма жойда хурсандчилик билан самимий қабул қилинганлигини айтди.

— Бу ҳаяжонлантирувчи самимий учрашувлар, — деди у, — венгер халқининг совет халқига изҳор қилган самимий дўстона туйғуларининг ифодаси бўлди.

— Биз қилган сафаримиз натижаларидан жуда мамнунмиз, — деди яна Ўртоқ Хрушчев, — ва бу сафаримиз совет-венгер дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳамда мамлакатларимиз ва бутун социализм лагеридаги мамлакатлар халқлари ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун катта фойда келтиришига ишонамиз. Шунингдек, бу сафаримиз бутун жаҳонда тинчлик иши манфаатларига хизмат қилажагига ишонамиз.

Қабул маросими гоят дўстона, самимий вазиятда ўтди.

## БУДАПЕШТДА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМИМИЙ КУЗАТИБ ҚОЛИНДИ

БУДАПЕШТ, 10 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС раиси В. В. Гришин, Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест ва КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойковалардан иборат составдаги Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси бугун Будапештдан ўз ватанига жўнаб кетди.

Венгер ва совет байроқлари билан безатилган Ферихель аэродромида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг аъзолари, Венгриянинг министрлари, кўзга кўринган жамоат арбоблари, фан ва маданият намояндалари, Венгрия Халқ армиясининг генераллари ва офицерлари, Будапештдаги бир қанча элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқлари, Венгрия пойтахтининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясини кузатиб қолдилар. СССР нинг Венгриядаги элчиси Е. И. Громов ва совет элчихонасининг бутун составини ҳам Партия-Ҳукумат делегациясини кузатиб қолди.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортди.

Соат 9 дан 55 минут ўтганида карнай садолари Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг аэродромга келганлигидан дарак беради. Гулдурос қарсаклар янграйди. Венгрия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқининг гимнлари ижро этилади. Н. С. Хрушчев ва Янош Кадар фахрий қоровул ёнидан ўтадилар. Шундан кейин совет делегациясининг бошлиғи Венгрия Халқ Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан, дипломатлар билан, Халқ армиясининг генераллари ва офицерлари билан, Венгрия пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари билан саломлашиб кўришади.

Н. С. Хрушчев, делегация аъзолари ва Венгрия раҳбарлари қарсаклар ҳамда табрик хитоблари садолари остида аэропорт биноси олдидаги трибунага қараб йўл оладилар.

Шу ерда ҳозир бўлган ҳамма кишилар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган совет Партия-Ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев нутқ сўзлайди.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи гулдурос қарсаклар, «Ура!» садолари ва табрик сўзлари билан кўп марта бўлиниб турди.

Шундан кейин шу ерда ҳозир бўлган кишилар томонидан самимий кутиб олинган Янош Кадар нутқ сўзлайди.

Митинг қатнашчилари гоят баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

Гулдурос қарсаклар ва «Яшасин венгер-совет дўстлиги!» хитоблари садолари остида совет меҳмонлари самолётга қараб йўл олдилар. Маҳаллий вақт билан соат 10 дан 50 минут ўтганида қумушсимон «ТУ-104» самолёти парвоз қилди ва Москвага қараб йўл олди.

## ЎРТОҚ К. Е. ВОРОШИЛОВНИНГ ЮГОСЛАВИЯГА ҚИЛАДИГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти **Иосип Броз Титонинг** таклифига мувофиқ, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Климент Ефремович **Ворошилов** шу йил май ойида Югославияга расмий визит билан боради.

## Бирлашган Араб Республикаси Президенти Жамол Абдил Носирнинг СССРга келишига доир

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига мувофиқ, апрель ойи охирида Совет Иттифоқига Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил Носир меҳмон бўлиб келади.

Совет Иттифоқида Президент Носир Совет давлатининг раҳбарлари билан учрашади ҳамда мамлакат билан ва совет халқининг ҳаёти билан танишиш учун Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилади.

## Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллигини байрам қилиш тўғрисида

МИНСК, 10 апрель. (ТАСС). 1959 йил 1 январда Белоруссия ССР ташкил этилган кунга 40 йил тўлади.

Республика матбуотида «Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллити тўғрисида» Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг қарори эълон қилинди. Бу қарорда айтилдики, Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллити белорус халқининг катта миллий байрами сифатида нишонланади. Бу байрамга КПСС XX съездининг қарорларини муваффақият билан бажариш учун, коммунистик қурилиш соҳасида партия белгилаган программани амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириш белгиси остида тайёргарлик кўрилиши лозим.

## КПСС ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, КПСС партия ходимлари делегацияси шу йил 8 апрелда Прагага жўнаб кетди. Делегация составида: КПСС Марказий Комитети аъзоси, Украина КП Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари А. И. Гаевой (делегация раҳбари), КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Ф. С. Горячев, КПСС Маркзий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. Н. Миларшчиков, Белоруссия КП Минск область комитетининг биринчи секретари В. Ф. Шауро, Украина КП Черкасси область комитетининг биринчи секретари Б. И. Вольтовский, Латвия КП Марказий Комитетининг секретари Н. Я. Биссенек, КПСС Ростов область комитетининг секретари Г. К. Мошиченко, КПСС Ярославль область комитетининг секретари С. З. Пилипенко, КПСС Москва область Ленинск район комитетининг биринчи секретари А. П. Мелихов, КПСС Ставрополь ўлкаси Курсавка район комитетининг биринчи секретари М. Н. Сальников ва КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими А. И. Недорезов ўртоқлар бор.

Делегация Чехословакия Компартиясининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги иш тажрибаси билан танишади.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИДАН

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси ва шахсан Ўртоқ Н. С. Хрушчев давлат ва партия ташкилотларидан, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларидан, корхона ва кооперативлардан ўзларига меҳмон бўлиб келишни илтимос қилиб ёзган жуда кўп хатлар ва телеграммалар олдилар.

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси ўзларининг самимий табрикларини ва дўстона таклифларини юборган ҳамма ташкилотларга ва меҳнаткашларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади ҳамда Венгрия Халқ Республикасида бўлиш вақти чекланганлиги сабабли бу таклифлардан фойдаланиш имконияти йўқлигига астойдил таассуфланади.

Азиз ўртоқлар, социализм қуриш соҳасидаги ишингизда муваффақиятларга эришувингизни ҳамда шахсий турмушингизда бахтли бўлишингизни чин қалбимиздан истаймиз.

Хайр, венгриялик дўстларимиз!

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ**

*ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА*

## КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг „Болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида“ги қарорини Ўзбекистон ССРда бажариш тадбирлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида» 1958 йил 15 мартда чиқарган қарорида қайд қилдиларки, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси янада юксалганлиги натижасида аҳолининг кенг истеъмол қилинадиган хилма-хил товарларга бўлган талаби узлуксиз ўсиб бормоқда.

Бироқ, аҳолининг баъзи товарларга, айниқса болалар учун зарур бўлган товарларнинг баъзи хилларига бўлган талаби тўла таъминланмаётир.

Халқ хўжалиги кенгашлари, область ва шаҳар партия комитетлари, область ва шаҳар ижроия комитетлари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишини яхшилашга старли эътибор бермаётирлар, кўпгина саноат корхоналарининг раҳбарлари болалар учун зарур товарлар ишлаб чиқаришга план тўлдиришга «фойдасиз» деб қараб нотўғри муносабатда бўлаётганликларига йўл қўяётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хисоблайдиларки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорида болалар учун зарур товарлар ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатилган камчиликлар республикада ҳам бор.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши Тошкентдаги 2-трикотаж фабрикасида 1957 йилнинг иккинчи кварталида пахмоқли трикотаж тайёрлайдиган машинанинг ишга туширилишини таъминламади. Натижада 1958 йилнинг январь-февраль ойларида аҳоли талаби катта бўлган 40 минг дона болалар трикотаж буюми кам тайёрланди. Тошкентдаги 2- пойафзал фабрикасида болалар пойафзали тайёрлайдиган цехни ишга тушириш чоралари кўрилмади.

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасида 1958 йилда ички трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш плани умуман 1957 йилга нисбатан 124 минг донага кўпайтирилгани ҳолда болалар учун ички трикотаж кийим ишлаб чиқариш 17 минг донага камайтирилган. Бошқа халқ хўжалиги кенгашларининг корхоналарида ҳам шунга ўхшаш фактлар учрамоқда.

Болалар учун кийим-кечак, пойафзал ва трикотаж буюмлари сифатини яхшилашга уларнинг пардози ва ташқи кўринишига кам эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ССР Савдо Министрлиги, Ўзбекбирлашув ва маҳаллий органлар аҳолининг болалар учун зарур товарларга бўлган талабини суст ўрганмоқдалар ҳамда болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида саноатга зарур даражада таъсир ўтказмаётирлар. Бунинг устига шундай фактлар ҳам борки, савдо ташкилотларининг талабига биноан корхоналар болалар учун зарур бўлган товарларни хатто камайтириб юбормоқда.

Республика саноати якин икки йил ичида аҳолининг болалар учун кийим-кечак ва пойафзалга бўлган талабини тўла қондириш, бу товарларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун ҳамма имкониятлар борлигини хисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида»ги 1958 йил 15 март қарори ижро учун қўлланма деб қабул қилинсин.

2. 1958 йилда республика бўйича болалар учун 4.603 минг жуфт, шу жумладан, 30-размергача бўлган 2.703 минг жуфт (200 минг жуфт кўшимча топшириқ шу хисобга киради), 31-дан 37- размергача 1.900 минг жуфт болалар пойафзали ва бундан ташқари 480 минг жуфт пинетка ишлаб чиқариш таъминлансин.

3. 1959 йилда болалар учун пойафзал ишлаб чиқариш 1.602 минг жуфт, шу жумладан, 30- размергача 1.037 минг жуфт ва 31- дан 37- размергача 565 минг жуфт кўпайтирилсин.

4. 1958 йилда болалар учун кийим-кечак ишлаб чиқариш чакана пархлар билан хисоблаганда 40 миллион сўмлик, шу жумладан, қўшимча газлама ажратиш хисобига 18,5 миллион сўмлик ва катталар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришни камайтириш хисобига 21.5 миллион сўмлик кўпайтирилсин.

5. 1958 йилда болалар учун трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан асосий план хисобига қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилсин: ички трикотаж — 3.020 минг дона, устки трикотаж — 850 минг дона, пайпоқ — 5 миллион жуфт.

6. Болалар учун пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ва трикотаж буюмлар сифатини яхшилаш, ички ва устки трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни 2 миллион сўмлик миқдорда ошириш кўзда тутилсин;

в) индивидуал тарзда кийим тикадиган ҳамма ателъеларда болалар учун кийим-кечакларга заказ қабул қиладиган бўлимлар ташкил қилиб, уларда газламалар, фурнитура ва безак материалларининг кенг ассортименти доимо бўлишини таъминлаш.

8. Қишлоқ жойларда болалар учун кийим-кечак ва пойафзал сотишни ташкил қилишни яхшилаш мақсадида Ўзбекбирлашув зиммасига 1958 йилда болалар учун кийим-кечак ва пойафзал сотадиган 33 та ихтисослаштирилган магазин ва 86 бўлим ташкил қилиш юклатилсин.

9. Узпромсовет, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига 1958 йилда болалар пойафзалини ремонт қилишни кенгайтириш ҳамда мавжуд мастерскойлар ишини, айниқса болалар кийим-кечаги ва пойафзалини ремонт қиладиган мастерскойлар ишини яхшилаш учун зарур чоралар кўриш юклатилсин.

10. Тошкент шаҳар ижроия комитети зиммасига (Ўртоқ Турсунов) Ўзбекистон ССР Савдо Министрлиги ихтиёрига 1958 йилда Тошкентда фойдаланишга топшириладиган уйлардан бирининг биринчи қаватидан болалар кийим-кечаги тикишга заказ оладиган махсус ателье ташкил қилиш мумкин бўлган бино ажратиш юклатилсин.

11. «Средазгипроводхлопок» проект институтига (Ўртоқ Сагиянц) 1958 йил 1 августгача Карл Маркс кўчасидаги «Болалар дунёси» магазинининг иккинчи қаватидаги бинони болалар кийим-кечаги ва пойафзали сотишни кенгайтириш мақсадида биринчи Ташпромторгга топшириш юклатилсин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига (Ўртоқ Турсунов) шу муддатгача «Средазгипроводхлопок» институтига «Болалар дунёси» магазини учун топширган майдони эвазига якин жойдан бино ажратиш топширилсин.

12. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига (Ўртоқ Жалилов) 1958 йил 1 июнгача Карл Маркс кўчасидаги спорт инвентари магазинининг иккинчи қаватидаги бинони болалар учун спорт товарлари сотишни кенгайтириш мақсадида бўшатиб бериш топширилсин.

13. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига (Ўртоқ Курганов) Чирчиқдаги болалар пойафзали фабрикасининг ишлаб чиқариш корпуси қурилишини тезлаштириш юклатилсин, токи ҳамма қурилиш ишлари 1958 йил 1 ноябргача тугаллансин.

14. Узгипролегпром (Ўртоқ Озернов) зиммасига 1958 йил иккинчи квартали мобайнида «Қизил тонг» тикув фабрикаси ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин. Лойиҳада болалар учун йилига 200 минг дона пальто ишлаб чиқариш кўзда тутилсин. Шунингдек 1958 йилда Чирчиқ болалар кийим-кечак фабрикасини қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси мазкур объектларни лойиҳалаш юзасидан тегишли лимитларни кўзда тутсин.

15. 1958 йилда сотиладиган фонд ип газлама бўйича 12 миллион сўмлик, шу жумладан, Ўзбекистон ССР Савдо Министрлиги бўйича 7 миллион сўмлик. Ўзбекбирлашув бўйича 5 миллион сўмлик камайтирилсин; жун газлама Ўзбекистон ССР савдо Министрлиги бўйича 3,1 миллион сўмлик камайтирилсин 1958 йилда кийим-кечак бўйича сотиладиган фонд 18.5 миллион сўмлик, шу жумладан, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бўйича 12,3 миллион сўмлик ва Ўзбекбирлашув бўйича 6,2 миллион сўмлик кўпайтирилсин.

16. Главтекстильторг республика конторасига (Ўртоқ Шиманский) ип газлама ва жун газлама бўйича сотиладиган фондни қисқартириш хисобига 1958 йилда Узпромсоветга 12 миллион сўмлик ип газлама, шу жумладан, сидирга бўялган пахмоқдан 100 минг метр ва кийимбоп газламадан 400 минг метр ажратиш ҳамда Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига у билан келишиб олган ҳолда турли хилдаги жун газламалардан 3.1 миллион сўмлик ажратиш топширилсин.

17. Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига (Ўртоқ Эгамбердиев) ўз фабрикаларида фойдаланаётган 31—37-размердаги пойафзал колиплардан 1200 жуфтини енгил ва спорт пойафзал тикиш учун Узпромсоветга топшириш юклатилсин.

18. Халқ хўжалиги кенгашлари ва Ўзбекистон ҳунармандчилик саноати кенгашига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) мазкур қарорга биноан 1958 йил планига киритилаётган ўзгартишлар юзасидан хисоботларни Ўзбекистон Давлат план комиссияси ва Ўзбекистон ССР Молия-министрлигига 1958 йил 15 апрелгача тақдим этиш;

б) 1958 йил апрель ойи ичида Советларнинг кенгайтирилган йиғилишларида болалар учун ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилаш масаласини кўриб чиқиш, бунда болалар учун пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж буюмларни моделлаштиришни яхшилаш, пардоз материалларидан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, буюмларнинг ташқи кўринишини яхшилаш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш.

19. Самарқанд Халқ хўжалиги кенгашининг Самарқандлаги пойафзал фабрикасини Самарқанд шаҳридаги Деҳқон кўчасида қурилаётган техника мактаби биносига кўчириш хисобига болалар учун пойафзал ишлаб чиқариш қувватини 1958—1959 йилларда 1,5 миллион жуфтга етказиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

20. 1958 йилда Янги йўлдаги болалар пойафзал фабрикасини кенгайтириш ҳамда қўшимча тарада пинетка ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига 1958 йил 15 майгача фабрика территорияси атрофида жойлашган «Янгиюльторг»нинг омбор ва контора биноларини пойафзал фабрикасига топшириш;

б) Тошкент Халқ хўжалик кенгашига (Ўртоқ Эгамбердиев) «Янгиюльторг» базасини жойлаштириш учун собиқ резина-техника буюмлари заводининг контора, омбор ва ишлаб чиқариш биноларини топшириш юклатилсин. Ёг заводининг электр цехини жойлаштиришга мўлжалланган бино бундан истиснодир.

21. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1958 йил 15 март қарорига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ажратилган 80 тонна каттик чарм ва 2,8 миллион квадрат дециметр хром Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёрига берилсин.

* * *

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аҳолининг болалар учун пойафзал ва кийим-кечакка бўлган талабини тўла қондириш ишига катта аҳамият бериб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва шаҳар ижроия комитетларига болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши устидан жиддий контроль ўрнатишни топширди.

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида*

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, тугилган кунининг эллик йиллиги муносабати билан, самарали илмий-педагогик фаолияти учун Ўрта Осиё политехника институтининг директори Ниёзов Муҳамед Иброҳимович Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Халқ маорифини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари, кўп йиллар ва ҳалол ишлаганликлари учун ҳамда мактабларда политехника таълимини амалга оширишда эришган муваффақиятлари учун Тошкент область Бекобод шаҳри халқ маорифи ходимларидан: Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Мўминов Иброҳим Солиевичга, мактаб директорлари Эшонқулов Ҳофиз Акрамовичга, Хван Григорий Львовичга ва Шорухов Анатолий Ивановичга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилди.

# Пахтакор ўртоқ! Чигитни вақтида экиб олсанг ютасан, кечиксанг ютқазасан

☆

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

### *Чигит экишда қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланайлик*

**Бу йилги баҳор фаслида тез-тез ёғингарчилик бўлиб турибди. Ҳозир айни чигит экишни ҳар тарафлама кучайтириб юборадиган ва бу ишни қисқа муддатда ўтказадиган вақт. Ленин ёғингарчилик туфайли ерларда намнинг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги ҳамма жойда чигит экишни кучайтириб юбориш имкониятини бермаётир. Илғор колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари, механизаторлари бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ишни усталик билан ташкил этиб, ҳар қандай қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиш учун курашмоқдалар.**

**Бекобод районининг пахтакорлари бу йилги шароитда ибрат бўларли иш қилмоқдалар. Тупроғининг структураси чигит экиш имкониятини берадиган жойларда ҳаво очилиб кетиши билан барча агрегатлар ишга солинмоқда. Шунинг учун кўпгина колхозлар юзлаб гектар ерларга чигит экиб қўйдилар. Навоий номли, Карл Маркс номли, Дзержинский номли колхозларда ерости сувлари паст бўлган ва тупроғи бирмунча қуруқроқ майдонларга ёғингарчилик тугаши биланоқ чигит экилмоқда. Шундай қилиб, районда ҳозиргача 2 минг гектар ерга чигит экиб қўйилди.**

**Бироқ шуни айтиш керакки, бир қанча колхоз ва совхозларда, районларда ёғингарчилик баҳона қилиниб экишга тайёргарлик ишлари ҳам сусайтириб юборилган. Октябрь районидаги бир қанча колхозларда экиш агрегатларининг кўпи тайёр эмас, экипаж аъзолари квадрат-уялаб чигит экишга атрофлича пухта ўргатилмаганлар. Шунга қарамай, ёғингарчилик кунларида ҳам колхозчилар ва механизаторларни квадрат-уялаб чигит экишга ўргатиш, техникани бу ишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказишга тахт қилиб қўйиш учун етарли даражада ғамхўрлик қилинмаётир.**

**Ҳозирги кунларнинг ҳар бир соати тўла ва унумли фойдаланишни тақоза қилади. Ёғингарчиликни баҳона қилиб экишда ишлатиладиган техникани тайёрлаб қўймаслик, кадрларни ўқитиб-ўргатмаслик эрта-индин ҳаво жўнашиб кетгандан кейин ҳар хил қийинчиликларни туғдириши ва шошма-шошарликка сабаб бўлиб, ишнинг сифатини бузиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда етилган ерларга пешма-пеш чигит экиш билан бирга барча техника ва бу техникани ишлатадиган киши-ларнинг экишни оммавий равишда кучайтириб юборишга тайёр, тайёр эмаслигини текшириб чиқиш, бу соҳадаги камчилик ва етишмовчиликларни дарҳол тузатиш шу кунларнинг энг муҳим вазифаларидандир.**

**Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари колхоз ва совхозларда чигит экишда қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланишни ташкил этишлари, уларнинг ўзлари ишнинг тепасида бўлишлари, экиш ўтказиш мумкинлиги бўлган жойларга техникани илгарироқ етказиб қўйилишини таъминлашлари керак.**

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда ҳозиргача 700 гектар ерга чигит экилди. Ерларни экишга тайёрлашда механизаторлар ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) **Я. Абляметов, С. Зоиров, У. Тошматов** ва **А. Жуманов** ўртоқлар экишнинг бориши тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

**В. Салов** фотоси.

## *Қўшнимиздек илғорликка эришамиз*

Сталин номли ва Хрушчев номли колхозлар бир-бирлари билан қўшни, ерлари-ерларига туташ. Икки қишлоқ кишилари ўртасида қариндош-уруғчилик, борди-келди бор. Хрушчев номли колхоз кишилари ўз қўшниларининг ҳосилни оширишда унча яхши натижаларга эришмаётганлигини кўриб қайгиришади, маслаҳат сўраб келишса ёрдам беришади.

Лекин шунга қарамай Сталин номли колхозда пахтадан кам ҳосил олиняпти, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаси, чорвачилик ҳам унча яхши ривожланмаяпти.

Хрушчев номли колхоз раиси Маҳкам Иброҳимов Москвада бўлиб ўтган пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашидан қайтиб келгач ўз таассуротлари, кенгашда кўтарилган масалалар тўғрисида батафсил гапириб берганда буни Сталин номли колхоз аъзолари ҳам эшитдилар, улар ҳам бу йил янгичасига ишлаймиз, деб қарор қилдилар.

Сталин номли колхоз аъзолари ҳосилни оширишда квадрат-уялаб чигит экиш афзал усулларидан эканлигига тўла тушундилар. Шунинг учун бу йил 170 гектар ерга 60х60, 35 гектар ерга 50х50 схемаси билан режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экиш учун барча ер, техника, кадрлар тайёрлаб қўйилди. Механизаторлар ва янги усулда чигит экишда иштирок этадиган колхозчилар аниқ квадратлар ҳосил қилишни пухта эгалладилар.

Колхозда шу йилнинг эрта кўкламидан амалга оширилаётган ишлар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришдан далолат бериб турибди. Бу йил ҳар йилдагидек тайёргарлик ишлари кечиктирилмади, ўз вақтида ўтказилди, қишлоқ ичидаги ва колхозлар ўртасидаги катта-кичик ариқлар тозалаб қўйилди, давлат томонидан берилган минерал ўғит ва уруғлик чигит ташиб олинди. Ҳар гектар ерга 8-10 тоннадан мўлжаллаб маҳаллий ўғит тайёрланди.

Бу йил иш бошидан юришиб кетди. Колхоз белгиланган ерларга бедани ўз вақтида ва сифатли экиб олди. Ваҳоланки ўтган йилларда беда экишга етарли эътибор берилмас, демак ернинг унумдорлигини ошириш учун қурашилмас эди. Пастлабки ёғингарчиликлардан кейин пахта ерлари нам сақлаб қолиш мақсадида бороланди.

— Ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш планини бажара олмаган эди, — дейди колхоз раиси ўртоқ Мусурмонов, — лекин бу йил колхозчиларнинг, механизаторларнинг ғайрати бошқача. Улар эрта кўкламданоқ зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Биз пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши кўрсатмаларини амалга ошириш, гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун курашамиз. Колхозда илғор хўжаликларда қилинаётганидек трактор-далачилик бригаласи ҳам ташкил қилинди. Бу бригада аъзолари кетмон ишлатмай асосан механизация кучи билан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи уста пахтакор ўртоқ И. Муродов ўз колхозчилари билан биргаликда 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилди. Бу бригада аъзолари шу кунларда ерларини чигит экишга сифатли қилиб тайёрлаб қўйдилар. Ёзда тўзалар ўсиб ривожланаётганда ишни енгилатиш учун шу кунларда барча далалар бирма-бир кўриб чиқилиб, ўтларнинг илдизи батамом териб олинди, далага кўплаб маҳаллий ўғит солинди.

Колхозимиз аъзолари 1958 йилда ўз қўшнилари Хрушчев номли колхозга етиб оладилар.

**Ж. СУЛТОНОВ.**

Бўка райони.

## Мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин тайёрланди

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг аъзолари пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши мажбурияти ва КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар ва 680 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштиришга қарор бердилар.

Колхозчилар катта майдонларда мўл ҳосил етиштириб, социалистик мажбуриятни ошириб бажариш учун чигит экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Колхознинг МТСдан трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олганлиги туфайли мўл ҳосил етиштириш учун янада катта имконият яратилди. Колхоз правленеси ва бошланғич партия ташкилоти техникадан тўғри ва унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Бу йил чигит асосан квадрат-уялаб экилади. Квадратларнинг аниқ чиқиши учун ерлар текисланиб, экишга сифатли тайёрланди. Ҳар гектар ерга 200-300 килограммдан суперфосфат, 4 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Йўл ёқалари, марза, уватлар текисланиб пахта майдонига 30 гектарга яқин ер қўшилди.

Райондаги «Москва» колхозининг аъзолари ҳам чигит экишни қисқа муддатда ва агротехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ўртоқ Қорабоев бошлиқ бригада аъзолари ерга кўплаб маҳаллий ва минерал ўғит солди. 15 гектар янги ер очилди. Бу бригада механизатор В. Тюпко тажрибаси асосида ишлаб, гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган «Коммуна» колхозида ҳам чигит экишга тайёргарлик яхши олиб борилаётир.

**Х. САГИЗОВ, Т. ҚОЗОҚБОЕВ, Т. МУСЛИМОВ, А. ЭРГАШЕВ.**

## Мўл ҳосилга пухта замин яратаётганлар

(Редакцияга келган хатларга обзор)

Бу йилги кўкламнинг дастлабки кунлари чигит экишни ғоят эҳтиёткорлик ва усталик билан ўтказишни талаб қилмоқда. Чигитнинг ўз вақтида ва сифатли экилиши мўл ҳосилнинг пойдевори эканини яхши тушунган азамат пахтакорларимиз ёғин-чочинли келган кўкламнинг қийинчиликларини сабот билан енгиб экишни агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш, далаларни чигит экишга пухта тайёрлаш учун курашмоқдалар, аниқ квадратлар ҳосил қилиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар. Шу билан бирга улар фойдаланилмаётган қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига пахта майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

СССР Олий Совети сессияси қабул қилган Қонун ва қарорлар пахтакорларни меҳнатда янги ютуқлар сари илҳомлантириб юборди. Техникани ўз қўлларига олган пахтакорлар механизаторлар билан биргалашиб деҳқончилик маданиятини янада ошириш учун астойдил бел боғладилар.

Мана шулар ҳақида областимиз колхоз ва совхозларидан редакциямизга кўплаб хатлар келмоқда.

Октябрь районидаги Сталин номли колхозда, — деб ёзади **А. Абдурахмонов**, — СССР Олий Совети сессияси қарорлари муҳокама қилингандан сўнг кўклам дала ишлари янада кучайиб кетди. Колхоз аъзолари чигит экишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Шу райондаги Тельман номли колхоз тўғрисида **П. Муродов** ҳам шу ҳақда хабар ёзиб юборган.

Мўл ҳосил усталари кўп бўлган Оржоникидзе районидаги Ленин номли, «Сталинград» колхозларидан хабар ёзган **Ю. Маҳкамов** ва **Н. Қаюмов** ўртоқлар бу колхозлардаги механизаторларнинг кўпчилиги бригада ва звеноларга бошчилик қилаётганлиги, механизациядан унумли фойдаланиш учун барча тадбирлар кўрилаётгани ҳақида хабар қиладилар.

**Т. Маматқулов** ва **У. Мамасолиев** ўртоқлар Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози 4-бўлимининг пахта майдонлари қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига 450 гектарга кенгайтирилганлиги, бу майдонларга қишда тўлиқ яхоб берилганлиги, шунингдек райондаги «Победа», Карл Маркс номли колхозларда ҳам далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб, барча майдонлар чигит экишга сифатли тайёрланганлиги ҳақида хабар ёзиб юборганлар. Сирдарёлик **Н. Урозов, А. Кўчаров, Қ. Кенжаев, Ш. Отамуродов, Р. Очилов, Р. Абдураимов, Ж. Хўжамуродов, Қ. Тайлоқов, Н. Холбоев, О. Тожимуродов**, чиноэлик **М. Мирномилов, У. Каримов, Т. Муслимов, С. Алиев** ўртоқлар кўклам дала ишлари жадал суръатлар билан бораётганлиги, чигитни қисқа муддатларда экиб олишга зўр тайёргарлик кўрилганлиги ҳақида хабар қиладилар.

Янгийўллик **Қ. Собиров** ёзади: райондаги «Коммунизм» колхози МТСдан 9 хайдов, 30 универсал трактори ва 60 та бошқа турли қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олди. Колхоз аъзолари бу мукаммал техникадан унумли фойдаланиб, ўзларига бириктилган 1500 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек Свердлов номли, Сталин номли колхозда ҳам кўклам дала ишлари кўнгилдагидек бормоқда.

Мирзачўлдан **А. Алибеков, Ж. Жонқулов**, Боёвут районидан **У. Сарибоев, Ю. Юсупов** ўртоқлар чигит экишга тайёргарлик ишлари пахта майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини тўғри ишга солиш билан боғлаб олиб борилаётгани ҳақида хабар қиладилар.

Оққўрғонлик **А. Умаров** ёзади: Куйбишев номли колхозининг А. Отабеков, Т. Ўтамишев бошлиқ бригада аъзолари бутун майдонларга режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экишга ва ғўза қатор ораларини ўсиш даврида механизация ёрдамида икки томонлама ишлашга аҳд қилдилар.

**Х. Имомов** Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари 800 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан каноп ва жут ҳосили етиштириш мажбуриятини олганликлари, ҳозир барча майдонлар экишга сифатли тайёрланганлиги, бу йил колхоз қамишзор ва ботқоқ ерларда зовур олиб, 15 гектар ерни ўзлаштирганликлари ҳақида хабар ёзиб юборган.

Шунингдек шаҳар атроф районларида сабзавот ва полиз экинлари экиш ишлари ҳам тез суръатлар билан бормоқда. Бу ҳақда Калинин районидан **Ж. Ғаффоров, Ш. Эргашев**, Қорасув районидан **М. Каримов**лар ёзиб юборган хабарларда шундай дейилади: кўпчилик илғор бригадалар эртаги сабзавот ва полиз экинлари экиш планини муваффақиятли бажардилар. Қорасув районидаги Калинин номли, Калинин районидаги Сталин номли ва Булганин номли колхоз аъзолари кўп майдонларда маккажўхорини квадрат-уялаб экишга пухта тайёргарлик кўрдилар ва кенг майдонларга картошка, пиёз, помидор ва ҳар хил полиз экинлари экишни планлаштириш билан бирга ток, анор, олма ва бошқа мева дарахтлари кўчатларини ҳам экмоқдалар ҳамда уларни юқори сифатли парвариш қилаётирлар.

## Студентлар чигит экиш практикасига чиқдилар

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг IV курс студентлари кўклам чигит экиш даврида областимиз колхозларига ёрдам бериш учун бир ойлик практикага жўнаб кетдилар.

Практикант студентлар бевосита чигит экишда қатнашадилар. Улар аниқ квадратлар ҳосил қилишда, чигитнинг тупроққа нормал чуқурликда тушишида, чигит экишга етилган майдонларни аниқлашда ва чигитнинг нормал ивитилиб, нормал дорилганлигини белгилашда назарий билимларини пахтакорлар билан ўртоқлашиб, улардан тажриба ўрганадилар.

Практикага чиққан студентлар программада белгиланган дарслардан ташқари бир ойга яқин ДТ-24-3 универсалини бошқариш, СКГХ-4-6 чигит экиш сеялкасини регулировка қилиш, режа-симини тортиш машғулотларини ўрганадилар.

Институт студентлари, шунингдек республикамизнинг бошқа областларига ҳам жўнаб кетдилар.

**С. БАКИРОВ.**

# Картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтирайлик

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳар атрофи зонасидаги колхозларда ва совхозларда картошка, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришни кўпайтириш масаласига бағишланган кенгаш ўтказди. Кенгашда сабзавотчилик колхозларининг раислари, МТС ва совхозларнизг директорлари ва бош агрономлари, область, шаҳар ва район партия ҳамда совет органларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, бир қанча министрликларнинг ва Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ф. Бобоевнинг докладини муҳокама қилдилар.

Маълумки, тайёрлаш ташкилотларига ва шаҳарларнинг бозорларига картошка ва сабзавотларнинг асосий қисмини республиканинг пойтахт области етказиб бермоқда. Областнинг илғор хўжаликлари ишда анча муваффақиятларга эришдилар. Масалан, ўтган йили аввалги мавсумдагига нисбатан 13.700 тонна ортиқ картошка ва 5.200 тонна ортиқ сабзавот етиштирилди.

Бироқ, бу аҳолининг ўсиб бораётган талабларини сира қондирмайди. Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарларининг ва областдаги бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари кўкатлар ҳамда янги ва консерва қилинган сабзавотлар билан бир меёрда ва етарлик миқдорда таъминланаётгани йўқ. Бунинг сабаби шуки, колхоз ва совхозларда картошка ва сабзавот етиштириш агротехникаси ҳали паст бўлиб, илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга суст жорий қилимоқда. Район ташкилотлари ва савдо корхоналари ана шу қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни планлаштиран вақтларида экин хилларини, эртаги ва кечки экинлар экиш муддатларини ҳамма вақт ҳам ҳисобга олаётирлар, деб айтиб бўлмайди.

Илғор тажрибалар, айниқса суст жорий қилимоқда. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз ерларнинг унумдорлигини систематик суратда оширмоқда. Масалан, ўтган йили бу колхоз ҳар гектар ердан 24,5 тоннадан картошка, 23,5 тоннадан сабзавот ва 31 тоннадан полиз экинлари олди. Бу эса планда белгиланганидан ортиқдир. Айрим бригадалар ва звеноларнинг бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришдилар. Бундай муваффақиятларга агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилиш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш йўли билан эришилади. Карам ва помидор кўчатлари кўниқиб ўтказилган вақтда ерлар албатта суғорилади. Ерга уруғлик билан бирга минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳам солинади, бу эса экинларнинг текис униб чиқишини таъминлайди. Колхозлдаги айрим звеноларнинг нуқул уруғчилик иши билан шуғулланмоқдалар. Шу сабабли хўжалик яхши уруғлик материал билан тўла равишда таъминланган. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғ. М. Абдуллаев шу ҳақда гапириб, Карл Маркс номли колхознинг тажрибаси областлаги барча махсуслаштирилган колхозларга ҳали ҳам ёйилмаганлигига таассуф билдирди.

Кўп хўжаликларда экинлар ўз вақтида парвариш қилинмайди ва бу ишлар агротехника жиҳатидан паст даражада ўтказилмоқда. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан етарлик фойдаланилмайди, меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлар кам машиналаштирилмоқда, ўсимлик тупларининг планда белгиланган қалинликда бўлиши таъминланмайди, ернинг унумдорлигини оширишда катта роль ўйнайдиган суғориш ишларига эътибор берилмайди. Бунинг устига тўла гектар учун етарлик кураш олиб борилмаётир, ҳосилни йиғиб олиш вақтида эса, нобудгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Ана шу хулосани тасдиқлайдиган фактлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Совет контроли комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Х. А. Жалилов, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бағдорчилик ва узумчилик бош инспекциясининг бошлиғи ўртоқ М. Р. Худойбердиев, Корасув МТС директори ўртоқ К. Шамаев ва бошқаларнинг сўзларида келтирилди.

Бир қанча нотиқлар илмий муассасаларни колхоз ва совхозларга етарлик ёрдам бермаётганликлари учун, савдо ташкилотларини далалардан маҳсулотни кўпинча ўз вақтида олиб кетмасликлари учун танқид қилдилар. Шу муносабат билан Тошкент район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. Носиров республика картошка-сабзавотчилик тажриба станциясининг ишини яхшилашни таклиф этди, «Назарбек» совхозининг директори ўртоқ Е. П. Саруханова эса кўчма консерва заводлари ташкил қилиш масаласини кўтарди.

Кенгаш қатнашчилари ўтган йиллардаги хатоларга йўл қўйилмаслик учун сабзавотчилик хўжалигини юксалтиришга ёрдам берадиган бир қанча тадбирларни амалга оширишни тавсия этдилар. Фойдали майдонлардан тўла равишда фойдаланиш билан бирга, ёш боғ ва токзорлардаги қатор ораларига ҳам сабзавот экиш зарур. Эртаги экинлардан бўшайдиган ҳамма ерга такрор экин экиш зарур.

Сабзавотчиликни янада ривожлантириш билан бирга кўп меҳнат талаб қиладиган ҳамма ишларни машиналаштиришга имкон берадиган йирик моддий-техника базаларини ҳам ташкил қилиш лозим. Бу тадбир кўл меҳнатини тўла равишда машиналаштириш, картошкани ва бошқа экинларни парвариш қилишда кетмон ишлатмаслик учун шарт-шароит яратиб беради.

Қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бригада ва звеноларни мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг ўз меҳнатлари натижаларидан иқтосодий манфаатдорликларини ошириш зарур.

Илғор агротехника, жумладан, квадрат-уялаб экиш, тувакчалар қўлланиш, парник хўжалигини кенгайтириш сабзавотчиликни юксалтиришдаги яна бир воситадир. Кенгашда кўрсатиб ўтилганидек, колхозлар 2-3 йилдан кейин асосан парникларда, озиқали тувакчаларда кўчат етиштириш йўли билан сабзавот етиштиришга ўтишлари лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, теплицалардан кўчат етиштириш ва уни эрта кўкламда ерга ўтказиш учун фойдаланиш энг фойдалидир. Бир қанча колхозларнинг тажрибаси компостлардан фойдаланиш помидор ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини қарийб икки баравар оширишини кўрсатди.

Кенгаш қатнашчиларининг кўпи уруғлик картошка билан жиддий равишда шуғулланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Картошка уруғчилиги эса республикада тамомила қаровсиз ҳолда қолган.

Барча ташкилий ва агротехника тадбирлари бу йил картошка ва сабзавот етиштиришни камида 30-35 процент кўпайтиришга қаратилиши лозим. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Сабзавотчилик маданиятининг юксалтирилиши Тошкент шаҳар атрофи зонасидагина картошка ва сабзавот экинлари етиштиришни қарийб 30 минг тонна кўпайтиришга ёрдам беради.

Кенгашда бўлган музокараларда Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ П. К. Катишев, Ўзбекистон ССР Савдо министри ўртоқ Х. А. Маъруфов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. Ж. Жалилов, Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ Б. Г. Мирзабеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ М. В. Муҳаммаджонов ва бошқалар ҳам сўзладилар. (ЎзТАГ).

## *Тажон холанинг аҳди*

60 ёшли Тажон хола Нурматова ўз касбини яхши биладиган аёлдардан, уни Паркент районида ҳамма танийди, ҳурмат қилади.

Тажон хола хотин-қизлар озодлиги учун, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун олиб борилган курашларда актив иштирок этган. Совет давлатининг дастлабки йилларида қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлаган. Хола актив жамоатчи бўлгани учун ҳам, ҳамқишлоқлари ўртасида иззат-ҳурматга эга.

1956 йилда Тажон хола Энгельс номли колхоз правлениесига келиб, сут соғувчи бўлиб ишлаш истагини билдирди. Идорадагилар, «қўйинг хола, энди қариндингиз, дам олинг», дейишди. Хола: «ҳали бардамман, чарчаганим йўқ», деб туриб олди. Правлениедагилар рози бўлишди, Тажон холага 15 бош сигир ажратиб беришди. У ишга астойдил киришди, ўша йили ҳар бир сигирдан 1955 йилдаги 600 литр ўрнига 800 литрдан сут соғиб олди.

Тажон хола 1957 йилда ҳар бир сигирдан 1500 литрдан сут соғиб оламан деб аҳд қилган эди, у бу мажбуриятини ҳам шараф билан бажарди.

Яқинда колхозда умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Шунда Тажон хола ҳам сўзга чиқди, у:

— Илгари жайдари сигирлар кўп сут бермайди, дейишарди. Бекор гап экан. Сигирдан кўп сут соғиб олиш унинг боқувига боғлиқ. Қанча яхши боқсанг, шунча кўп сут беради. Мен ўтган йили ҳар бир сигирдан 1956 йилга қараганда 900 литрдан кўп сут соғиб олдим. Бу йил ҳар сигирдан 1700 литрдан сут соғиб олмоқчиман.

Агар колхозимизда говмиш сигирлар кўпайтирилса, бундан ҳам кўп сут соғиб олса бўлади, — деди.

Колхозчилар ҳурматли Тажон холанинг сўзларини мароқ билан тингладилар ва чорвачилик маҳсулотларини ўтган йиллардагига нисбатан кескин кўпайтиражакларини айтдилар.

**Ю. БАҲОДИРОВ.**

## Маккажўхорининг гибрид уруғларини экайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисидаги вазифасини шараф билан бажаришга астойдил бел боғлаган областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари гўшт ва сут етиштиришни кескин кўпайтирмоқдалар. Бу колхозларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, мустаҳкам ем-хашак базаси яратмасдан туриб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш мумкин эмас. Лекин шунга қарамасдан ҳали кўп хўжаликларда бунга эътибор берилмайди, натижада чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган план бажарилмайди.

Демак, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан биридир. Бунда маккажўхори етиштиришни кўпайтириш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам маккажўхори экишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Районлаштирилган уруғдан маккажўхори экиш мўл-кўл силос бостириш ва кўп дон ҳосили тайёрлаш имкониятини беради.

Бизнинг область шароитида ВИР-42, ВИР-156, Краснодар 1/49 ва Имеритин гибрид сортли жўхори уруғлари ана шундай юқори сортли уруғлардан ҳисобланади. Районлаштирилмаган — паст сортли маккажўхори уруғини экаётган колхоз ва совхозларда мўлжалдаги силосни бостириш ёки дон ҳосили олиш анча қийин.

Кейинги тўрт йил давомида Қорасув районидаги М. Горький номли колхозда ВИР-156 сорт гибрид маккажўхори экилиб, унинг ҳар гектаридан 58.7 центнердан, яъни маҳаллий сортга қараганда 18,6 центнер кўп дон ҳосили олинди, шунингдек ҳар гектар ердан 350 центнердан кўкпоя етиштирилди. Шу колхоз даласида ВИР-42 сортли тез пишар маккажўхори сортини экиб, тажриба қилиб кўрилганида ҳам яхши натижага эришилди. Имеритин гибрид маккажўхори экилганида эса ҳар гектар ердан 429 центнердан силос, яъни маҳаллий сорт маккажўхорига қараганда 180 центнер кўп силос пояси олинган. Кўриниб турибдики, гибрид сортли маккажўхори экиш силос бостириш ҳамда дон ҳосили етиштириш жиҳатидан қулайдир ва фойдалидир. Юқорида кўрсатилган сортлар ёз ойларида экилса янада мўл ҳосил олиш мумкин.

Шундай экан, бу йил барча колхоз ва совхозларда гибрид сортли районлаштирилган маккажўхори уруғлари экишни кенг йўлга қўйиш зарур. Бу, мустаҳкам ем-хашак базаси яратишнинг асосий омилларидан биридир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, колхозлар ва совхозлар кўплаб силос бостиришдан манфаатдор бўлишларига қарамай, бу қимматбаҳо экинни парвариш қилишда кўп ҳолларда агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўядилар. Гап шундаки, кўпчилик колхозларда силос бостириш мақсадида маккажўхори экилганида ҳар бир уяда дон учун мўлжалланган маккажўхорига қараганда кўп кўчат қолдириш керак деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғридир. Агарда шунга амал қилиниб маккажўхори экилса, пояларда сўта бирмунча кам бўлади, ваҳоланки сўта энг қимматбаҳо озуқа сифатида катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам бундай маккажўхори силоси сигирларнинг сутини кўпайтириш ва уни семиртиришда кўпгилдаги натижани бермайди. Тажриба шуни кўрсатадики, гибрид сортли, яъни районлаштирилган маккажўхорини 60х60 схемаси бўйича квадрат-уялаб экиб, ягона даврида ҳар бир уяда 2 тадан ўсимлик қолдириш мақсадга мувофиқдир. ВИР-42 сортли маккажўхори экилганида эса ҳар бир уяда учтадан кўчат қолдириш талаб қилинади. Кўкпоя учун махсус парвариш қилинадиган маккажўхори экилган тақирда эса уяда 4-6 тадан ўсимлик қолдириш керак.

Ерни экишга сифатли тайёрлаб, яхши текислаш — квадратларнинг аниқ чиқиши, натижада маккажўхори экинларидан кўплаб силос бостириб, мўл-кўл дон ҳосили олишнинг асосий шартларидан биридир. Маккажўхори квадрат-уялаб экилса, уни икки томонлама ишлашга техникадан унумли фойдаланиш, кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил олиш мумкин бўлади.

М. Горький номли колхозда бу йил маккажўхори экиладиган ерлар кенгайтирилди. Ўтган йили 72 гектар экилган бўлса, бу йил 130 гектар ерга маккажўхори экилади. Бу ерларнинг ҳаммасига районлаштирилган сортли маккажўхори экиш планлаштирилган. Биринчи бригада аъзолари бу соҳада дастлабки ишларни қилиб қўйдилар, экиш қизитиб юборилди. Ўртоқ Г. Махбубов бошлиқ экиш экипажи аъзолари квадратларнинг аниқ чиқиши учун курашиб яхши натижага эришмоқдалар. Бу соҳада А. Маматжонов, Б. Ҳолматов, К. Норматов, Т. Алимов каби ўртоқлар кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар. Бу каби фидоқор ишларнинг меҳнати туфайли дастлабки гектарларга маккажўхори экиб бўлинди, аниқ квадратлар ҳосил қилинди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти маккажўхорини агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўз муддатида экилишини таъминлаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

**М. ХАЙКИН.**

Қорасув районидаги М. Горький номли колхоз агрономи.

# Чет элларда

## Афғонистонга техника ёрдами бериш тўғрисида Совет-Афғонистон шартномаси имзоланди

КОБИЛ, 9 апрель. (ТАСС). Бугун Бутуниттифоқ «Техноэкспорт» бирлашмаси билан Афғонистон жамоат ишлари министрлиги ўртасида Саланг довони орқали (Хиндуқуш тоғтизмаси) автомобиль йўли қуришда Афғонистонга техника ёрдами бериш ҳақида шартнома имзоланди.

Шартномага мувофиқ, Совет Иттифоқи Афғонистонга йўл машиналари ва механизмлари, зарур қурилиш материаллари етказиб беради, шунингдек мутахассислар билан ҳам ёрдам кўрсатади.

Саланг довони орқали ўтадиган автомобиль йўли Кобилдан мамлакатнинг шимолий районларига боладиган илгариги йўлни тахминан 200 километр қисқартади ҳамда Афғонистон учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлади.

## В. И. Ленинга бағишланган виставка

БУХАРЕСТ, 9 апрель. (ТАСС). Руминия телеграф агентлигининг хабар беришича, бу ерда «В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти» деган виставка очилган. Виставкани Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги В. И. Ленин ва И. В. Сталин музейи ташкил этган.

## Колумбия ташқи ишлар министрининг айтганлари

БУЭНОС-АЙРЕС, 9 апрель. (ТАСС). Колумбияда чиқадиган «Семана» журналининг хабар беришича, Колумбия ташқи ишлар министри Карлос Санс де Санта-Мария умумий қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш фикрини ёқлаб чиққан. Колумбия, деган у, зўр бериб қуролланиш учун сарфланаётган маблағлардан халқ оммасининг турмуш даражасини ошириш учун фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Колумбия ташқи ишлар министри Америка қитъасидаги халқлар истилочилик урушлари олиб борилишидан манфаатдор эмас, деб таъкидлаган.

## КУБАДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 10 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Гаванадан хабар беришича, Фидель Кастро қўзғолончилари шаҳардаги энг катта радио ва телевизион станцияларини эгаллаганлар ҳамда барча гражданларга мурожаат этиб, ҳукуматга қарши умумий забастовка бошлашга даъват этганлар. Қўзғолончилар Батистанинг диктаторлик режимига қарши қуролли кураш олиб боришга чақирганлар.

Шундан кейин тез орада телефон компаниялари ва бошқа муассасаларнинг ишчилари ва хизматчилари иш ташлай бошлаганлар; шаҳарда алоқа бузилган. Банкларнинг кўпчилиги дарҳол ёпилган.

Мухбирнинг ёзишича, шаҳарда отишмалар ва портлашлар эшитилиб турибди.

## Англия тинчлик тарафдорларининг юриши

ЛОНДОН, 8 апрель. (ТАСС). Тинчлик тарафдорларининг Лондондан Ольдермастонгача юриши қатнашчиларининг делегацияси бугун Англия бош министрига ҳамда СССР ва АҚШнинг Лондондаги элчиларига юриш тамом бўлганидан кейин қабул қилинган резолюциянинг копияларини топширди. Резолюция Совет Иттифоқи, Англия ва АҚШ ҳукуматларини ядро қуролларини синашни, ишлаб чиқаришни ва тўплашни дарҳол тўхтатишга чақиради.

Англия бош министрининг резиденциясига борган делегация бош министрнинг асосий шахсий секретари томонидан қабул қилинди. Делегатлар резолюция копияси билан биргаликда юриш қатнашчиларидан 3 минг кишининг имзоси қўйилган дафтарни ҳам топширдилар.

Делегацияга бошчилик қилган методист черковининг раҳбари доктор Сопер бундай деди: «Биз бош министр секретарига юришнинг минглаб қатнашчилари, бизнинг фикримизча, шу юришда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган миллионлаб кишиларнинг вакилидир, деб айтдик».

Совет элчихонасида делегацияни СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик қабул қилди. Ольдермастонга юриш қатнашчилари номидан парламент аъзоси лейборист Феннер Брокуэй Я. А. Маликка резолюцияни топширди ва Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини бир ўзи тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилиб, яхши намуна кўрсатди, деб таъкидлади. У, Англия ва Қўшма Штатлар ана шу ташаббусга эргашсинлар ва ядро қуролини ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва унинг запасларини тугатиш проблемаси шу яқин орада ҳал этилсин, деб делегациянинг бошқа аъзолари билан бирга истак билдирди.

Я. А. Малик вакилларга ташаккур билдириб, ядро қуролсизланиши тарафдорлари томонидан ўзларининг қийин юриши вақтида кўрсатган мардликларидан қойил қолганлигини айтди. Совет халқи, деди у, сизларнинг олиб бораётган курашингизни зўр ҳайрихоҳлик билан кузатади ва сизларнинг инсонпарварлик мақсадингизни тўла ва бутунлай қўллаб-қувватлайди.

## ЖАМИЛА БУХИРЕДНИНГ ҲАЁТИ ЯНА ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИ

ЛОНДОН, 10 апрель. (ТАСС). Лейбористларнинг ҳафтада чиқадиган «Трибюн» газетаси «Жамила яна хавф остида» деган сарлавҳали хабарида ташвиш билан шундай савол беради: Наҳотки, Жамила ўлим жазосидан аста-секин ўлиш учун қутулдими?

«Трибюн» газетаси хабар беради: жазоирлик ватанпарвар Жамила Бухиред афв қилинганидан сўнг икки кун ўтгач Жазоир шаҳар турмасидан Барберусс турмасига кўчирилди. Бу турмада одатда энг ашаддий жиноятчилар сақланади. Бу турма тропик доирада, Саҳрои Кабирнинг чекасида жойлашган. Маълумларнинг иқрор бўлишича, турмада Жамила медицина хизмати билан таъминланиши мумкин эмас, вақоланки у медицина ёрдамига муҳтождир. Шунга қарамай, уни касалхонага юборишдан бош тортмоқдалар. Ҳафталик газетанинг ёзишича, Жамиланинг яраси ҳозиргача ҳам тузалмаган ва унинг бир кўзи фалаж бўлиб қолган.

Жамила Бухиреднинг адвокатини турмага киритмаётирлар. Унинг дўстлари Жамила тўғрисида ҳам, Жамила афв этилганидан кейин француз қўшинлари томонидан қамоққа олинган 16 ёшлик укасининг тақдири ҳақида ҳам тўғри маълумот ололмаётирлар.

## Англиянинг Ямандаги янги агрессив ҳаракати

ҚОҲИРА, 10 апрель. (ТАСС). Яманнинг Қоҳирадаги миссияси вакили қуйидагиларни айтди: 5 апрелда инглиз қўшинлари Яманнинг Хариб шаҳри районида жойлашган Алққамаш қишлоғини бомбардировка қилдилар ва артиллериядан ўққа тутдилар. Қишлоқнинг тинч аҳолиси ўртасида кўп киши ўлди ва яралар бўлди.

## ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Мариан Нашковский Прагага келди. У Чехословакия Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлари билан бирга халқаро аҳвол масалаларини муҳокама қилиш учун улар билан учрашади.

◆ Дамашқда совет цирки артистларининг тамошалари бошланди. Биринчи концерт зўр муваффақият билан ўтди. Дамашқ газеталари совет артистларининг маҳоратига юксак баҳо бермоқдалар.

◆ Матбуотнинг хабар беришича, Аргентинада нарх-наво 1957 йилда 24 процент ошган. 1958 йилнинг дастлабки ойларида нархлар яна ҳам ошмоқда.

◆ Чилидаги саноат тараққиёти жамиятининг билдиришича «инфляцияга қарши кураш» бўйича Американинг Клейн-Сакс миссияси ишлаб чиққан планнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда саноат ишлаб чиқариши кескин суратда камайган. Масалан, Чилидаги ишлаб берувчи саноатда ишлаб чиқариш 8 процент, қурилиш саноатида 65 процент камайган ва ҳоказо. Бу эса ишсизликнинг ўсишига олиб келган. Чилида чиқадиган газеталарнинг маълумотларига кўра, мамлакатнинг ишлаб берувчи саноатида ишчиларнинг 14 проценти, қурилиш саноатида ишчиларнинг 24 процентидан кўпроқ қисми ишдан бўшатилган. 9 апрель. (ТАСС).

## Ер иккинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

**Иккинчи сунъий йўлдош 10 апрель эрталаб соат олтига қадар Ер атрофини 2.303 марта айланиб чиқди.**

**Ҳаво очиқ бўлганда иккинчи йўлдошни қуёш ботгандан кейин шимолий кенгликнинг 53 градусидан 61 градусигача ҳамда қуёш чиқиши олдидан жанубий кенгликнинг 63 градусидан 65 градусигача бемалол кўриш мумкин.**

**Шунингдек, кенгликларнинг кўрсатилган интервалларидан шимолроқда ва жануброқда жойлашган пунктларда ҳам иккинчи йўлдошни горизонтга нисбатан кичикроқ бурчак остида кўрса бўлади. (ТАСС).**

## ҲАРБИЙ КОМИССАРИАТЛАРНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги ҳарбий бошқарма маҳаллий органлари (ҳарбий комиссариатлар) ташкил этилганига қирқ йил тўлишини нишонлади. Шу муҳим воқеага бағишлаб, 8 апрелда Округ офицерлар уйида тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда ҳарбий комиссариатларнинг ходимлари ва хизматчилари, Туркистон ҳарбий округи штабининг офицерлари, запасдаги офицерлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни республика ҳарбий комиссари М. Узоқов очди.

Ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми тантанали йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

Йиғилишда «СССР Қуролли Кучлари системасида ҳарбий комиссариатларнинг роли ва аҳамияти» тўғрисида доклад қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири Е. А. Алишев, «Таштекстильмаш» заводининг инженер-технологи Б. Т. Березняк, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ҳўжаев ҳарбий комиссариатлар ходимларини табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари учун Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли кучлари иштирокида концерт берилди. (ЎзТАГ).

## СССР халқ рақс давлат ансамбли АҚШга жўнаб кетди

Маданият, техника ва маориф соҳасида Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, 8 апрелда СССР халқ рақс давлат ансамбли артистлари гастроль учун Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетдилар.

Икки ой мобайнида халқ рақс ансамбли Нью-Йоркда, Вашингтонда, Детройтда, Чикагода, Лос-Анжелосда, Сан-Францискода, Филадельфияда 50 дан ортиқ концерт қўйиб беради. Ансамбль Канадада ҳам концертлар беради. (ТАСС).

Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларида ёзги мавсумга тайёргарлик қизғин бормоқда. **Суратда:** Сталин номли маданият ва истироҳат боғининг оранжереясида.

Қ. **Розиқов** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Мичуринчи ижодкор олим

Биология фанлари кандидати, толмас ва талантли олим ўртоқ Сергей Семенович Калмиковни Бўстонлиқ районида билмайдиган, танимайдиган киши йўқ. У 1935 йилдан буён ўзи асос солган бўстонлиқ тажриба дала станциясида ишлаб келмоқда. Олимнинг раҳбарлиги, ташкилотчилиги туфайли қуп-қуриқ ер ўрнида ҳозир бир неча гектар майдонда тажриба участкаси, боғ ва токзорлар вужудга келтирилди.

Бу тажриба даласининг илмий ходимлари тоғ бағридаги ерларни ўзлаштириб мевазор боғларга айлантирмоқдалар. Талантли олим С. С. Калмиков бу ишга раҳбарлик қилибгина қолмай кўпгина шогирдларни ҳам тарбиялаб етиштирди, ёшлар ундан кўп нарсани ўрганмоқдалар. С. Калмиков шу 22 йил мобайнида кўпгина янги сорт мевали ўсимликлар яратди. У яратган мева навлари серҳосиллиги ва бошқа хусусиятлари билан Иттифоқимиздагина эмас, балки Хитой, Польша, Чехословакия ва бошқа мамлакатларда ҳам машҳурдир. «Идеал» навли грек ёнғоғи ана шулар жумласидандир. Бу нав ёнғоқ экилгач, яхшилаб парвариш қилинса икки йилдан сўнг ҳосилга киради. «Идеал»нинг сорти совуққа чидамлилиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Сергей Семенович Бўстонлиқ тоғларида бодомнинг янги, қимматбаҳо навини тоқди, яратди. Ботаниклар унга «Калмиков бодоми» деб ном қўйдилар.

Совет биология фани ва боғдорчилигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан тўлиб-тошган олим дуч келган қийинчиликларни матонат билан енгди. У бодомга шафтолини, гилоссга олчани, олхўрига олмани чатиштириш йўли билан бу хил меваларнинг бутунлай янги навларини вужудга келтирди. Бу гибридларда чатиштирилган меваларнинг энг яхши хусусиятлари сақлаб қолиниб, камчиликлари йўқотилган. Масалан, бодом билан шафтолининг чатиштирилиши натижасида олинган гибриднинг меваси оддий шафтоли сингари юмшоқ ва хушхўр, данаги эса бодомники сингари ҳуштаъм.

С. С. Калмиков булардан ташқари илгарилари Бўстонлиқда ўсмаган янги мевали техника ўсимликларини етиштириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилди. Америка ёнғоғи, хурмо, эвкомия, самшит шулар жумласидандир. Бу ўсимликларнинг баъзилари район колхозлари, томорқа хўжаликларида ҳам ўстирилаётир.

Калмиков назария билан практикани бир-бирига боглаб олиб боради, район колхозлари, совхозларида тез-тез бўлади. Қимматли маслаҳат, фойдали тадбирлари билан боғдорчиликни ривожлантиришда боғбонларга амалий ёрдам беради. У, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси.

Район колхозчилари, совхоз ишчилари ҳурматли олим Калмиковни 50 ёшга тўлган кунида қизғин табрикладилар ва унга сиҳат-саломатлик, ишида муваффақият тилладилар.

**М. СОБИРОВ,**
**А. МАРАКУЛИН.**

## *В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотохроника*

Ўрта Осиё Политехника институтининг КПСС тарихи кафедрасида меҳнаткашларнинг улуғ доҳиси ва устози Владимир Ильич Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотовиставка ташкил қилинди. Виставкага қўйилган «Ленининг Россияга қайтиб келиши», «Ленин Смольнийда», «Ленин ишчилар орасида» ва «Ленин шанбаликда» деб аталувчи фотосуратлар киши диққатини ўзига тортади. Бундан ташқари виставкага Лениннинг сафдошлари билан тушган суратлари, Разливда яшаган даврини акс эттирувчи фотолар ҳам қўйилган.

Улуғ доҳининг турли даврлардаги ижтимоий-революцион фаолиятига таллуқли бўлган фотосуратларни студентлар Ленин хотирасига катта ҳурмат ҳисси билан тамоша қилмоқдалар.

**Қ. АХМЕРОВ.**

## Янги кенг экранли кинотеатр

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги 700 минг сўм маблағ сарфлаб, «Искра» кинотеатрининг ёзлик биносида янги кенг экранли, стереофоник овозли кинотеатр қурмоқда.

Кино зали 1650 ўринли бўлиб, экрани энига 17, бўйига 7 метрдир. Янги кинотеатр Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган КШС-1 аппарати билан таъминланади. Зал атрофига 12 динамик қурилади. Кинотеатр фойесига эстрада концертлари учун саҳна ишланмоқда.

Шу кунларда қурилиш ишлари жадал бормоқда. «Искра» кинотеатрининг ёзлик биносидаги янги кенг экранли зал 1 Майда фойдаланишга топширилади.

**А. ПУЛАТОВ.**

ШАХМАТ

## СССР Биринчилиги учун

Олмаота шаҳрида ўтказилаётган СССР биринчилиги учун зонал мусобақаларида 4 ва 5-турлар ўйналди ва кечиктирилган партиялар давом эттирилди.

4-турда мастерликка кандидат Бирбрагер (Ўзбекистон) ўйин давомида тактик хатоларга йўл қўйгани туфайли мастерликка кандидат Гитерман (Молдавия)га ютқазиб қўйди. Спорт мастери Жуховицкий (Молдавия) рухлари билан очиқ йўлларни эгаллаб олиб, рақиби Каражаевни таслим бўлишга мажбур қилди. Қозоғистон вакиллари Голяк билан Носков ҳамда Каталимов билан Старостин партиялари Носков ва Каталимов фойдасига ҳал бўлди. Қирғизистонлик Кудряков-Сливин партияси дуранг бўлди.

Бешинчи турда Ўзбекистон чемпиони Грушевский Носковга, Бирбрагер Сарваровга (Ўзбекистон), Кудряшов Говбиндерга (Тожикистон), Валиев (Туркманистон) Сливинга, Гитерман Гусевга (Тожикистон) ютқазди. Жуховицкий-Нурмамедов (Туркманистон) партияси дуранг бўлди.

Кечиктирилган ўйинлар давом эттирилганда Уфимцев Кудряшовни, Гусев Каражаевни, Грушевский Муҳитдинов ва Голякни ютишга муваффақ бўлди. Старостин-Голяк, Сафаров-Муҳитдинов ва Усмонов-Носков ўртасидаги учрашувлар дуранг бўлиб қолди. Ҳозир 5-турдан сўнг Жуховицкий, Говбиндер 4 имкониятдан, Грушевский ва Нурмамедов 5 имкониятдан 3,5 тадан очкога эга бўлиб турнир жадвалида олдинда бормоқдалар.

## *Бизга ёзадилар*

**Урта Чирчиқ** районидаги Крупская номли мактабнинг 10-синф ўқувчилари драматург К. Яшининг «Йўлчи юлдуз» драмасини саҳнага қўйдилар. Ўқувчилардан Аъламов, Ҳасанов, Шакаров, Абдужаббровалар ўз ролларини яхши бажардилар. Ўқитувчи Қ. Отақулов ҳаваскорларга раҳбарлик қилмоқда.

**У. Розиқулов**
**У. Хасанов.**

* * *

**Калинин** районидаги Охунбобоев номли колхозда радиоузел ишга туширилди. Колхознинг 675 хонадони радиолаштирилган. Радиоузел орқали колхоз янгиликлари, турли темаларда суҳбатлар ва концертлар бериб борилмоқда.

**А. Мирзаахмедов.**

* * *

**Тошкент** область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида 15 кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинарга область мактабларининг бош пионервожатийларидан 60 киши иштирок этди. Семинар қатнашчилари пионер ташкилоти ишларини янада яхшилашнинг турли формаларини, илғор пионервожатийларнинг тажрибаларини ўргандилар.

**А. Галиев.**
**Х. Алиев.**

* * *

**Чирчиқ** шиша заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Бўстонлиқ районидаги 8-мактабга катта ёрдам бермоқдалар. Завод коллективи яқинда мактаб устахонасини турли асбоблар билан жиҳозлаб берди. Мактаб ўқувчилари 3 мингдан ортиқ дарахт кўчатини ўтказиб завод ҳамкорлигига муносиб иш қилдилар.

**А. Отбосаров.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

## Пойтахтимизни кўкаламзор шаҳарга айлантирайлик

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ пойтахтимизни ободонлаштириш ойлиги бошланди. Шаҳар меҳнаткашлари ўз ҳовлиларини, кўчаларини обод қилиш, озода сақлаш, кўкаламзорлаштириш ишига киришдилар. Ойлик мобайнида шаҳарда 16 миллион тун ҳар хил гул кўчатлари экилиши, боғлар, хиёбонлар, бульварлар кўкаламзорлаштирилиши керак. Бульварларга, паркларга, кўчаларнинг четларига, ҳовлиларга хушманзара дарахтлар, турли-туман гуллар, буталар экиш пайти келди.

Пойтахтимизни кўкаламзор қилишда 1947 йилгача 8-15-25 ёшли дарахтларни, шу жумладан дуб, қайрагоч, чинор, шумтол, зарангтол каби дарахтларни кўчириб экиш устида ҳеч қандай тажриба олиб борилмаган эди. Москва, Ленинград, Рига, Боку, Тбилиси сингари йирик шаҳарларда катта ёшли дарахтларни кўча, боғ ва паркларга ўтказиб, 2-3 йил ичида катта-катта майдонларни кўкаламзорлаштиришга муваффақ бўлинган эди. Бу тажриба мазкур шаҳарларда 1930 йилдан бери қўлланилиб, яхши натижаларга эришилмоқда. 1947 йилда Тошкент шаҳрининг ҳозирги энг обод жойи — Театр майдонини кўкаламзорлаштиришда 15-17 яшар олдий қайрагочлар ҳамда 8-10 ёшгача бўлган дуб ва чинор кўчатлари экилган эди.

Тошкентда кейинги йилларда катта ёшдаги дарахтларни кўчириб экиш устида қилинаётган тажрибалар ҳам яхши натижа берди. Ҳозир минглаб катта ёшдаги дарахтлар кўча ва майдонларда ямяшил бўлиб, кўзни қувонтириб турибди. Тошкентни кўкаламзорлаштириш билан шуғулланувчи Тошкент шаҳар «Зеленводстрой» трести катта дарахтларни кўчириб ўтказиш ишини яхши эгаллаб, ударнинг тез тутиб кетиши, нормал ривожланишига эришмоқдалар. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, катта ёшдаги дарахтларни кўчириб ўтказиш ҳамон жуда қимматга тушмоқда. Кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларни янада механизациялаш ва рационализаторлик таклифларини амалга ошириш натижасида бу ишларнинг арзонлашувига эришиш мумкин. Лекин афсуски, катта дарахтларни кўчириб ўтказиш ягона ташкилот томонидан марказлаштирилмай, ҳар бир район коммунал хўжалик бўлими томонидан алоҳида-алоҳида, агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилинмаган ҳолда олиб борилмоқда. Бу нарса, айниқса Марказий район территориясидаги Ленин кўчасининг чап томонида, Охунбобоев, Ленинградская ва Тошкентнинг бошқа кўчаларида кўзга яққол ташланади. Айниқса Навоий проспектига ўтган йили виргиния арчасини экишда агротехника қоидаларига мутлақо риоя қилинмади.

Шуни унутмаслик керакки, дарахтлар 80-100 ва ундан ортиқ йил яшаб, бир неча авлодни баҳраманд қилади. Шундай бўлгач, бу масалага ҳар тарафлама жиддий эътибор бериш лозим.

Кўча ва ариқ тармоқларини реконструкция қилиш натижасида дарахт экиладиган чизиқларнинг қингир-қийшиқ бўлиши шаҳарнинг умумий архитектурасига, эстетикасига ҳалал беради ва кўпгина район коммунал хўжалиги бўлимлари ва паркларнинг ходимлари ёш дарахтларни аллея қилиб ўтказишнинг сонигагина эътибор бераётирлар. Кўкаламзорлаштириш ходимлари, жумладан бу соҳада ўз ишини энди бошлаган «Зеленводстрой» ходимлари Тошкентни кўкаламзорлаштиришга оид мавжуд адабиётларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигининг 1948 йилда чиқарган «Ўзбекистон шаҳарларидаги кўчаларни кўкаламзорлаштириш» ҳақидаги инструкциясини ва 1955 йилда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти босиб чиқарган «Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш» каби китобларни синчиклаб ўрганишлари ва улардаги маслаҳатларга амал қилишлари лозим. Ўтган йилларда тўғри чизиққа ўтказилган кўчатларни ҳам кўздан кечириб туриш керак. Тошкент шаҳрида адл қилиб экилган дарахтлар пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб, кишини нақадар қувонтиради.

Дарахтларнинг, айниқса катта ёшдаги дарахтларнинг тепа қисмларини чиройлик қилишга катта эътибор бериш керак. Бир неча йилги тажриба ва қатор адабиётларда кўрсатилгинича, катта дарахтларни кўчириб ўтказишда луб, чинор, аргувон ва бошқа секин ўсувчи дарахтларнинг шох-шаббаларини кўп қирқиб ташлаш фойдали эмаслигини кўрсатади. Бундай дарахтларнинг шох-шаббалари максимал даражада қирқилганда юқори қисмидаги барглар камайиб, янги илдиз тармоқларининг вужудга келиш процесси секинлашади. Барглар қанча кўп бўлса, янги илдизлар шунча тез вужудга келади. Сув қуйиш ва бўғланиш балансини шохларни кесиб ташлаш йўли билан эмас, балки мунтазам равишда кўп сув қуйиш, ўғитлаш, шох ва баргларни озиқлантириш ҳамда бошқа усуллар билан тўғрилаб туриш керак. Шуни унутмаслик керакки, организми заифлашган, илдизлари қувватсиз катта дарахтлар нотўғри кўчириб экилганда, тезда иссиққа ёки совуққа чалинадиган бўлиб қолади.

Тошкентни кўкаламзорлаштиришда энг муҳим масалалардан бири кўп йиллик гуллайдиган буталар ўтказишдир. Бу соҳада баъзи ишлар қилинди. Атиргул, хитой атиргули, сурия атиргули, жасмин, япон беҳиси ва бошқалар экилди. Лекин бу кўчатлар ҳали жуда кам.

Москва, Ленинград, Рига, Киев сингари марказий шаҳарлардаги паркларни кўкаламзорлаштириш тажрибасидан парк, хиёбон, боғ, санаторий, касалхоналарда ҳар бир дарахтга 10-15 тупдан ҳисоблаб бута экиш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳарни кўкаламзорлаштиришда буталарни кўплаб ўтказиш шаҳарни хушманзарали ва ямяшил қилади, объектларнинг пейзажини кўркамлаштиради.

Айниқса тепаликларни, қияликларни, кўл ва магистраль каналларнинг бўйларини кўкаламзорлаштиришда бутазорлар мустақил декоратив аҳамиятга эга бўлади.

Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда ана шу мулоҳазаларни ҳиссобга олиш фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз. Бу шарафли ишга меҳнаткашларнинг кўпчилигини, айниқса ёшларни жалб этиш, шанбаликлар, якшанбаликлар уюштириш лозим. Пойтахтимизни ямяшил бўстонга айлантирайлик.

**И. РЕМИСКЕВИЧ,**
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.
**К. ОРИФХОНОВ,**
Ўрмон хўжалиги инженери.

## *Тошкент медицина институтида янги қурилишлар*

Сўнгги йилларда Тошкент медицина институтида катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилаётир. Ўтган йили барча қулайликларга эга бўлган 400 ўринли студентлар ётоқхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Шу йилнинг бошларида эса беморларни қабул қилувчи 20 койкали янги бино ишга туширилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги институтдаги янги қурилишлар учун яна 501 минг сўм маблағ ажратди. Бу пуллар физиология кафедраси ҳузурида тажриба ҳайвонларини сақлайдиган ва илмий-текшириш ишлари олиб бориладиган бино ҳамда қулоқ клиникаси учун солинадиган кўшимча янги хоналар қурилишларига сарфланади.

**А. КИМ.**

## *Телевизор Экранида*

**11 АПРЕЛДА**

**19.30. «Қардош республикалар оиласида» циклидан Совет Туркманистони ҳақида ўзбек тилида эшиттириш.**
**19.50. Киножурнал.**
**20.00. Симабоп концерт.**
**20.45. Бадиий фильм — «Зўр машақкат билан».**

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Дилором.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Сатира, юмор ва қизиқчилар кечалари,** бербери арслонларини ўргатувчи **В. Денисов** гастроли ва Бурят-Мўғнлистон АССРда хизмат кўрсатган артист **А. Галсанэ** раҳбарлигидаги **Бурят-мўғул аттракционининг** давоми. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Вақт борида.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да **Ёш гвардия** (1-серия), қолган сеансларда **Ёмирилган қалъа.**

**ЭСТРАДА ТЕАТРИДА**
**15 ва 16 апрелда**
Ўзбекистон ССР халқ артисти
**МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА**
ва Ўзбекистон халқ ҳофизи
**МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ**
**КОНЦЕРТИ**

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳамаджон Мирзаев,** солистлардан **Башорат Хўжаева, Муҳаббат Мусаева, Тўхта Рисметова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

## ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР 31-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1958 йил 6 апрелда Янгиер шаҳрида бўлиб ўтди.

**Тошкент областининг ҳамма омонат кассаларидаги ютуқли омонат счётларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:**

| Счёт номерлари | Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан) | Счёт номерлари | Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан) | Счёт номерлари | Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан) |
|---|---|---|---|---|---|
| 31 | 25 | 367 | 25 | 756 | 100 |
| 63 | 25 | 407 | 25 | 777 | 25 |
| 82 | 100 | 464 | 25 | 808 | 25 |
| 144 | 25 | 510 | 25 | 868 | 200 |
| 180 | 25 | 547 | 25 | 891 | 25 |
| 219 | 25 | 582 | 50 | 937 | 25 |
| 246 | 25 | 638 | 25 | 993 | 25 |
| 312 | 25 | 661 | 25 | | |
| 351 | 50 | 707 | 25 | | |

Счётларининг сони 1000 дан ошиқ бўлган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир, яъни: 1031, 1063 ва ҳоказо, 2031, 2063 ва ҳоказо, 3031, 3063 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси
**А. Ваҳобов.**
Комиссиянинг масъул секретари
**Е. Колодкина.**

**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ:** Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00949. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-449.